



Tadqiqot UZ



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**30 APREL
№27**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 27-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
27-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
27-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 27-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 апрель 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 73 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохидат Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва ақтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Xolov Xurshidbek Zavqiddin o‘g‘li KORRUPSIYA VA UNGA QARSHI KURASHISH CHORA TADBIRLARI	8
2. Абдуллаева Насимахон Бахтиер кизи THE POST-PENITENTIARY ADAPTATION: A REVIEW OF THE CURRENT STATE OF THE PHENOMENA IN SOME FOREIGN COUNTRIES	10
3. Абдурахимов Бехзод Баходирович СУҒУРТА ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	14
4. Сидиков Давлатжон Валижон ўғли АКТУАЛЬНОСТЬ ФУНКЦИИ ГОСУДАРСТВА ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ПРАВОПОРЯДКА В УСЛОВИЯХ СТАНОВЛЕНИЯ НОВОГО ПРАВОВОГО ГОСУДАРСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	18
5. Рахмонов Суннатилла Мусурмон ўғли ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТАЪСИР ЧОРАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. ТАҚДИМНОМАЛАР: УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИДА АМАЛИЁТДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР	21
6. Рахмонов Суннатилла Мусурмон ўғли ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ВА АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АЙРИМ ТАЪСИР ЧОРАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.	24
7. Фозилова Юлдуз Олимовна, Ҳакимова Ирина Бакировна ҲАММАГА МАЪЛУМ ТОВАР БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ.	
8. Rahimova Sarvinoz Shokirovna KORRUPSIYAGA QARSHI KURASH – DOLZARB MASALA	29
9. Шамшиев Жамшид Аслиддинович КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРУВЧИ ШАХСЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ	31
10. Yo‘ldoshev Hikmatulla Ismatulla o‘g‘li MAIN FACTORS THAT CONTRIBUTE CORRUPTION IN ATTRACTING BUSINESS ENTITIES TO SPONSORSHIP.....	34
11. Ёдгоров Бехзод-мирзо Фаррух угли ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ СТАНОВЛЕНИЯ ИНСТИТУТА ПРЕЗИДЕНТСТВА В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	36
12. Фозилов Шохрух Муродуллоевич СУДЬЯНИНГ ОДОБ-АХЛОҚИ ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МУТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР	40
13. Умаров Шахбоз Усмонович БМТНИНГ ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ТАТБИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	45
14. Abduqodirova Charos Ibroximovna INSON HUQUQ VA ERKINLIKLARINING KAFOLATLARI.....	48
15. Azimov Asliddin Karimovich “STREET LAW” LOYIHASI AMALDA	50
16. Boymurodova Maxbuba KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH AGENTLIGI –TARRAQQIYOT STRATEGIYASI.....	52
17. Fatullayeva Farida МАНМУДХО‘ЖА ВЕНБУДИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ СИЙОСИЙ ҚАРАШЛАРИ.....	53

18. G‘aybullayev G‘ayrat KORRUPSIYANING JAMIYATDAGI SALBIY TA’SIRI	55
19. Dilafuz Gulamova BIZ KORRUPSIYASIZ HAYOT TARAFDORIMIZ.....	56
20. I.Q.Ergasheva KORRUPSIYANING YOSH AVLOD HUQUQIY ONG HUQUQIY MADANIYATIGA SALBIY TA’SIRI	57
21. Q.Yuldashova YANGI O‘ZBEKISTON YANGICHA DUNYOQARASHDAGI GENDER TENGLIGI MASALALARI	58
22. Матчанов Фахриддин Курамбой ўғли МАҲКУМЛАРНИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ВА ЎТАШНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИ- БИ (РЕЖИМИ)ГА ДОИР MASALALAR.....	60
23. Мухиддинова Дилдора Мухиддиновна ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ СУД ТАРТИБИДА КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ MASALALARI	63
24. Отамирзаев Ойбек Муродулло ўғли СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАР, УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ ВА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИ.....	65
25. Nazarov Elbek Alimovich O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA‘MURIY PROTSEDURALAR INSTITUTINI TAKOMILLASHTIRISH	67
26. Norqulova Muqaddas Ulug‘bekovna O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT VA JAMIYAT QURILISHINI ERKINLASHTIRISHNING HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI	69
27. Кучкарова Дилфуза Ильясовна МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ҲОЗИРГИ КУНДА ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	71



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

KORRUPSIYA VA UNGA QARSHI KURASHISH CHORA TADBIRLARI

Xolov Xurshidbek Zavqiddin o'g'li
Buxoro viloyati Yuridik texnikumi
Davlat Huquq Faoliyati 1- kurs talabasi

Annotatsiya: Korruptsiyaning jamiyat hayotiga salbiy ta'sir ko'rsatishi va bu illatning oldini olishga qaratilayotgan chora tadbirlarning amalda qo'llanilayotganini isbotlash.

Glossariy: Korruptsiya, ijtimoiy hodisa, Xammurapi qonunlari, pora, shaxsiy naf, majburiy mehnat.

Korruptsiya – hozirgi kunda dunyo miqyosida global muammo bo'lib kelmoqda.

Deyarli barcha sohalarda korruptsiya juda kata salbiy rol o'ynamoqda.

Hozirgi davrda korruptsiya tushunchasini sharhlaydigan bo'lsak, shaxsiy foyda olish uchun hokimiyatni suiiste'mol qilish ma'nosida ishlatiladi.

Korruptsiya – bu davlat organlari xodimlarining moddiy yoki mulkiy yo'sinda g'ayriqonuniy shaxsiy naf ko'rish maqsadida o'z xizmat mavqeidan foydalanishda ifodalanadigan ijtimoiy hodisadir.

Korruptsiya qadimdan to hozirgi kungacha jamiyatda o'z ta'sirini o'tkazib kelmoqda. Tarixda korruptsiyaga qarshi kurash XXIV asrda Lagash shahar-davlatida va XVIII asrda Bodil shahri podshohi Xammurapi tomonidan boshlandi. Qanchalik harakat qilinmasin korruptsiyaga qarshi kurashlar besamar ketdi.

Insoniyat tarixida korruptsiyani tugatish yo'llari Hindistonda yaratildi. Bundan 2.5 ming yil oldin yozilgan; Artxashastra yoxud siyosat ilmi " kitobi korruptsiyaga bag'ishlangan, o'sha davrda xam korruptsiya mavjud bo'lganligiga bir asosdir.

Islom dinida ham pora harom hisoblangan va u to'g'risida hadislarning birida: pora beruvchiga ham, pora oluvchiga ham, ikkovi o'rtasida vositachilik qilganga ham la'nat bo'lsin deyilgan.

Hozirgi kunda korruptsiya avj olgan davrda unga qarshi kurashni yanada kuchaytirish va barcha tashkilotlar birgalikda harakat qilishi juda muhim.

Korruptsiya birinchidan, jamiyatda adolatsizlik, tengsizlik va aholining noroziligiga olib keladi, bu esa barcha sohadagi islohotlarning natijasiga ta'sir etmay qolmaydi. Aholi huquqiy savodxonligining pastligi- aholi tomonidan qonunlarni bilmaslik yoki tushunmaslik mansabdor shaxslarga o'zining shaxsiy manfaati yo'lida qonunlardan foydalanishga qulay sharoit yaratadi.

Hech kimga sir emas, agar agar jamiyatda qonun ustuvorligi ta'minlanmasa, odamlarda nafaqat bugungi, balki ertangi kunga ham ishonch yo'qoladi.

Qayerda shaxsiy manfaat har narsadan ustun qo'yilsa, o'sha joyda korruptsiya ildiz otib, oxir oqibat davlat tanazzulga yuz tutadi.

Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev ko'plab ma'ruza va chiqishlarida poraxo'rlik, ta'magirlik, mansab vakolatini suiiste'mol qilishga qarshi kurash butun jamiyatning maqsadiga aylanishi kerakligi to'g'risida alohida to'xtalib; Jamiyatimizda korruptsiyaga qarshi kurashish, unga yo'l qo'ymaslik, jinoyatga jazo albatta muqarrar ekanligi amalda ta'minlash bo'yicha qat'iy choralar ko'rishimiz zarur deb takidlagan.

Korruptsiyaga qarshi kurashga yuqori natijalarga erishgan Shvetsiya, Gonkong, Portugaliya kabi davlatlarning tajribasini o'rganish shuni ko'rsatadiki, korruptsiyani yuzaga keltiruvchi omillarni bartaraf etish korruptsiyaga qarshi kurashda muhim o'rin egallaydi

Korruptsiyada aybdor deb topilgan shaxslar uchun jazoni o'tash muddatini oshirish va ular o'z qilmishidan xulosa chiqarmaguncha og'ir majburiy mehnat sharoitlariga jalb qilish lozim.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentinig 2020-yil 29-iyundagi; Korruptsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo'yicha chora tadbirlar to'g'risidagi PF-6013 son farmonida muvofiq;



Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tashkil etildi.

Unda sog'liqni saqlash va ta'lim sohasidagi korrupsion holatlarga chek qo'yish asosiy vazifa qilib belgilandi. Biz o'ylaymizki korrupsiyani yo'q qilishdagi barcha say harakatlar o'z samarasini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.-2019
2. Sagdullayev va Kostetskiy muallifligi ostidagi Qadimgi dunyo tarixi.



THE POST-PENITENTIARY ADAPTATION: A REVIEW OF THE CURRENT STATE OF THE PHENOMENA IN SOME FOREIGN COUNTRIES

Абдуллаева Насимахон Бахтиер кизи,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Иқтисодий қонунчилик бошқармаси
етақчи маслаҳатчиси
Телефон: +998900189000
sharipova9559@mail.ru

Abstract: The article is devoted to study the phenomenon of the post-penitentiary adaptation in some foreign countries and to use relevant international experience in the conditions of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: the post-penitentiary adaptation, re-socialization, a prison sentence, the prisoners, the employment, a return to society.

The system of execution of criminal punishments in Uzbekistan is still in the stage of reforming. The ongoing reform must qualitatively change the approaches to the execution of punishments. The system should become more open, and most importantly - focused on the solution of the main task: the correction of convicts and their full inclusion in the life of society after the serving of punishment. Any positive experience with the treatment of convicts should be introduced into the practice of work now, and not when there is already a certain post-reform situation in the execution of punishment.

Especially, the post-penitentiary adaptation should begin from a life of imprisonment as a re-socialization of convicts. Markedly, the significance of the effectiveness of the system of execution of punishment today is determined by the re-socialization of convicts. Although this problem has found some coverage in scientific publications, but it has not received enough attention. This happens, firstly, because there is no unity in the interpretation of the concept of «re-socialization»; secondly, the idea of the re-socialization of convicts in places of deprivation of liberty turned out to be «built-in» into the system of habitual assessments that traditionally characterize the essence and content of correcting criminals. At the same time, the inclusion of a former convict after his release into the ordinary conditions of society is the only criterion for determining the effectiveness of institutions executing punishments, which makes it possible to accurately determine the significant social orientation of their activities.

For instance, in Finland, one of the countries which has a successful policy in the post penitentiary adaptation, since they made the decision to turn away from correctional policies heavily influenced by the former Soviet Union, it can be witnessed a tremendous shift in philosophy which Ekinwe refers to as «Gentle Justice». Embodied in this philosophy is a concern for the citizen (including criminals and prisoners), thereby maintaining many of the rights of citizenship for Finnish prisoners, while also insuring a range of rehabilitative programming and re-entry services. Criminals in Finland are sent to prison as punishment for their crimes, rather than being sent to prison to be punished further.

As a result, every effort is made to reduce the negative impacts of incarceration as much as possible. This is accomplished by relying on relatively short prison sentences, and strong efforts to help prisoners maintain contact with family through family visits (conjugal) at the prison, or furloughs that allow prisoners to visit their families in their own home.

One other development in Finland was the creation of the open prison. It is in this facility that prisoners are allowed to study or work in the community, and return to prison later in the day. In his keynote address at the Global Re-entry conference (2010) in Tampere, Finland, Jarmo Littunen from the Ministry of Justice noted that the prison population has been going down steadily in the past 5 years, reducing the population by nearly 15%. Approximately 4,000 prisoners are released annually¹.

¹ "Doing Re-entry: Accounts of Post-prison release in Finland and the United States," in *Global Perspectives on*



A prisoner leaving prison in Finland will have a variety of resources available to him or her. All citizens including released prisoners are entitled to social benefits, which include housing allowance as well as unemployment insurance. As noted previously, these are severe hardships that are faced by Uzbek prisoners upon their release. In addition, the stigma associated with a criminal conviction will not be used to prevent employment in Finland, unless the crime was of a nature that was incompatible with the demands of the workplace (for example, sex offenders would be restricted from working with children).

Finally, there is a variety of private groups that are available to ex-offenders to assist them with re-entry, including providing assistance in finding employment and battling drug and alcohol problems. All of the Finnish participants in this paper were members of one such group, CRIS (Criminals Returning into Society).

In addition, recidivism rate is around 31%. All people leaving prison are entitled to housing subsidies and unemployment insurance. Many inmates will have already made arrangements for housing prior to their release.

Besides that, inmates in Finnish prisons are paid a living wage (roughly 5 euros an hour for work inside the prison). If inmates work outside the prison, their wages will be significantly higher, but they will also be expected to pay some of the costs of room and board.

The situation in Finland relating to family contact and support is quite different in comparison to Uzbekistan. In Uzbekistan, a prison sentence impacts tremendously on the entire family, not just because of the incarceration of the offender, but also because of the loss of a wage earner. Little thought is given towards the family of offenders in the United States. However, in Finland, every effort is made to help maintain family contact and support throughout incarceration.

With relatively shorter prison sentences, contact with family through conjugal visits in the family cottage, or furloughs to the family home are encouraged. Counseling is also available to inmates and family members to assist with adjustment issues. Also, inmates do not have to worry as much about the family's financial situation. Children in Finland receive financial support from the government, and other subsidies for housing and employment are available to spouses.

To conclude, Finland has made an effort to make the prison experience as close to life in the free world as possible. Education and vocational training are readily available. Inmates who work make a decent wage, allowing them to save money for their eventual return to the outside world. In addition, conjugal visits and furloughs are available to prisoners to help maintain family bonds. Finally, numerous organizations, including CRIS, have emerged to assist ex-offenders in their transition to the outside world.

In Uzbekistan, the harmful effects of long prison sentences, coupled with severe disadvantages in education, vocational skills, work histories, and stigma, the transition to the free world is more difficult. Organizations such as Project Return and Prison Fellowship are trying to provide support, but there are limits to what they can provide.

One reason for the success of CRIS participants stems from the fact that contact between CRIS and future members begins prior to release from prison. CRIS members serve as role models, and serve as an example of how it is possible to live a non-criminal lifestyle. CRIS members provide social support, especially in times of crisis or need. And finally, CRIS serves a networking function, helping ex-offenders access social services in the community.

Besides that, Sweden is doing something to lower the recidivism rate and forcing prisons to close because they are taking a different approach to crime and punishment.

In Germany, before the institutions execution of punishments, the legislator set the main objective, consisting in such organization of execution of punishments, at which the convicted person after release would be able to bear social responsibility for his behavior, to help the convict «live in friendship» with the law after liberation. Almost all articles of the Criminal Executive Code of the Republic of Uzbekistan are devoted to this idea.

Despite the fact that the law on execution of criminal punishments is one for all German lands, the conditions for its implementation in each federal land is different. Each federal land in Ger-



many has an extensive network of social institutions, which is linked to other social services, including counseling centers to help people who have become dependent on drugs, general and vocational education institutions, aid agencies probation, social services of institutions of executive punishments. For instance, in the land of North Rhine - Westphalia established psychiatric service, there is a special spreader prison, which is determined as a diagnostic center as well. Therefore, all adults who have German citizenship, sentenced to imprisonment for more than two years, after the entry into force of the sentence are sent to this prison. Where a special commission, which includes a lawyer, an employment counselor, teachers, psychologists, social workers, social scientists, gives recommendations on how to proceed with the convict. Recommendations are sent together with the convicted person at the place of serving the sentence. The commission also determines the most suitable institution for a particular convicted person, where he will serve his sentence¹.

Thus, the general tendency of improving the system of execution of criminal penalties in developed foreign countries can be briefly described as the desire to introduce alternative penalties. In addition to humanitarian considerations that have been voiced for many years, purely pragmatic arguments are given in terms of the costs of imprisonment and its consequences, which in a number of countries enforce legislators to take steps towards reducing the number of sentences for immediate deprivation of liberty.

As a result of continuous criticism voiced by most prestigious international organizations and forums, alternatives to direct imprisonment, such as fines, delayed imprisonment and probation, and public censure and various forms of community service, became part of the criminal penal system in the second half of the twentieth century in a number of countries.

More than 3 years in Ireland works the Community Return program (Return to Society). This is a joint initiative of the Service of Probation and Prison Service, the essence of which is that carefully selected prisoners are given the opportunity to conditional early release in exchange for gratis realization under the supervision of public works. Probation officers evaluate convicts in terms of the possibility of giving them such a chance and their willingness to perform public works.

Participants in the program are convicted for a period of 1 to 8 years, who have served at least half the time. The number of weeks of performance of public works is calculated depending on the remaining period. Usually the participants of the program must perform work at least 3 times a week from 9.30 to 16.30².

The experience of the program was very positive, and many participants received approving reviews for their work, punctuality and diligence. The participants themselves also respond positively to the program, claiming that it helps them in their successful return to society.

Above was considered a system of re-socialization of convicts, besides that it is important to analyze other experiences of the post penitentiary system in the foreign countries.

Interest from the point of view of the implementation of certain norms in uzbek legislation is the Law of the Republic of Azerbaijan «On the Social Adaptation of Persons Who Are Exempted from Serving Punishment from Penitentiary Institutions» of May 31, 2007. This Law contains a whole system of specific norms that ensure the realization of the right of the released, first of all, to the labor and domestic system. For this purpose, the Law provides for the registration of persons exempted from guardianship (except for cases when he is the owner of housing) - Art. 10.1.

In the United States and Canada, there are programs aimed at the rehabilitation of convicts (so-called «treatment»). In the process of serving their sentences, convicts are involved in specially designed programs and trainings: their goal is to help correct criminals, turn them into law-abiding citizens, exclusion new crimes.

At the same time, the main principle of «treatment» is the recognition that the offender has certain potential opportunities for the development of positive people in him and, consequently, the ability to start a new life. These programs are applied at the place of residence and to persons released from penitentiary institutions. The criminological study confirms that the rate of recid-

¹ Ufimtseva N.F. Features of resocialization of prisoners // <http://do.teleclinica.ru/184767/>. (Уфимцева Н.Ф. Особенности ресоциализации осужденных // <http://do.teleclinica.ru/184767/>.)

² Joint Irish Prison Service & Probation Service Strategic Plan 2011-2016.



ivism among them is much lower (by 66%) than among those who they were not subjected to «treatment.» It seems that the experience of rehabilitation programs and trainings could well be perceived in Uzbekistan.

To sum up, for Uzbekistan, the foreign experience of re-socialization and adaptation of prisoners is extremely interesting and relevant. Over the past decade, the uzbek penitentiary and post penitentiary system are in a state of reforming all aspects of their activities. It seems reasonable to study the experience extensively and use all the most valuable ones in the practice with taking into account the uzbek specifics and conditions.

Reference books

1. "Doing Re-entry: Accounts of Post-prison release in Finland and the United States," in Global Perspectives on Re-entry: Exploring the Challenges Facing Ex-Prisoners. Eds. Ikponwosa O. Ekunwe and Richard S. Jones. Tampere, Finland: Tampere University Press, 2011.
2. Уфимцева Н. Ф. Особенности ре-социализации осужденных [http://do.teleclinica.ru/184767/.](http://do.teleclinica.ru/184767/))
3. Joint Irish Prison Service & Probation Service Strategic Plan 2011-2016.



СУҒУРТА ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдурахимов Бехзод Баходирович
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси
телефон: +99893-324-00-85

Аннотация: Ҳозирги кунда юртимиз иқтисодий тараққий этгани сари иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низолар, шу жумладан суғурта шартномасидан келиб чиқувчи низолар ҳам кўпайиб бормоқда. Мазкур мақолада ушбу тоифадаги низоларни иқтисодий судлар томонидан моддий ва процессуал қонун талаблари асосида ҳал қилишда аҳамият қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳамда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш бориш зарурияти очиб берилди.

Калит сўзлар: Суғурта, суғурта фаолияти, суғурта шартномаси, низо, суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, наф олувчи, суғурта пули, суғурта товони, суғурта мукофоти, суғурта киймати, суғурта полиси, суғурта ходисаси, суброгация.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш сифатини тубдан яхшилаш учун муҳим пойдевор бўлди [1].

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

Суғурта фаолияти бозор муносабатларининг энг муҳим унсурига айланди. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суғурта ташкилотлари миқдорлари сони ўсиши билан бирга, суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низолар сони ҳам ошиб бормоқда.

Бунинг сабаблари сифатида суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ноаниқликлар ва бўшлиқларнинг мавжудлиги ҳамда мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш заруриятини келтириб ўтиш мумкин.

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарурати судлар томонидан суғурта бўйича низоларни ҳал қилиш амалиётида ҳам қайд этиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда суғурта фаолияти юқори суръатларда ривожланмоқда ҳамда келгусида ҳам бу тенденция кучайиб боради.

Иқтисодий судлар томонидан суғурта фаолияти билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда уларни назарий ва амалий ҳал қилиш масаласига ягона ёндашувни шакллантириш масаласи муҳим ўрин тутди.

Фуқаролик ҳуқуқида суғурта шартномасидан келиб чиқувчи низоларни ҳал қилиш алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас, мазкур масала суғурта ёхуд хизмат кўрсатиш муносабатлари доирасида маълум даражада тадқиқ этилган.

Республикада миқёсида мазкур масалалар Ҳ.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, Д.М.Қараходжаева, Р.Ж.Рўзиев, С.Б.Бобоқулов, С.С.Ҳамроев, Ш.Н.Рўзиназаров, Б.Б.Самарходжаев каби олимлар томонидан умумий тарзда тадқиқ этилган.

Суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларининг баъзи жиҳатлари мамлакатимизнинг айрим олимлари томонидан ўрганилган ва бу соҳада муайян тадқиқотлар олиб борилган.

Жумладан, М.А.Аминжонова суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммоларини ўрганган бўлса, Н.Н.Абдуллаева суғурта шартномавий муносабатларини,



М.С.Болтаев тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ этган [2].

Хорижий мамлакатларда суғурта масалалари В.Ю.Абрамов, А.А.Ариффулина, В.С.Бельх, М.И.Брагинский, Е.Ю. Веденеев, В.Н. Гарькуша, С.В.Дедиков, А.В.Жук, И.В.Кривошеев, А.М.Лавров, Е.А.Ермолаева ва бошқалар томонидан ўрганилган [3].

Бироқ, юқорида қайд этилган олимларнинг тадқиқотлари фуқаролик хуқуқий шартнома ёки тор ихтисослик доирасида амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Иқтисодий судлар томонидан суғурта низоларини кўриб ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг иқтисодий суд ишларини юритиш самарадорлигига таъсири ҳозирги кунга қадар республикамизда алоҳида тадқиқот предмети сифатида деярли тўлиқ ўрганилмасдан қолмоқда.

Шу сабабли мазкур мақолада ушбу тоифадаги низоларни иқтисодий судлар томонидан ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятларини келтириб ўтилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шунингдек, суғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади [4].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 914-моддасига мувофиқ суғурта фуқаро ёки юридик шахснинг (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкӣ ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади [5].

Мулкӣ суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчига (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурта қилдирувчининг бошқа мулкӣ манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма доирасида тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 927-моддасига кўра суғурта шартномасининг шаклига нисбатан талабни ўз ичига олган бўлиб, унга асосан бундай шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи томонидан имзолаган ва суғурта шартномаси шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин.

Суғурта шартномасининг шаклига нисбатан белгиланган талабга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Суғурта пули миқдори суғурта шартномасининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Суғурта пули тарафларнинг суғурта шартномасидаги келишувига асосан аниқланади ва мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурталашда ушбу миқдор, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, унинг асл нархидан (суғурта нархидан) ошиб кетмаслиги лозим.

Агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта қийматидан ортиқ бўлган суғурта пули қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади. Бундай ҳолатда суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмайди.

ФКнинг 947-моддасига кўра, суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайдан кучга киради ва унинг шартлари, агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 9 ноябрдаги “Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 45-сон қарори судлар томонидан ушбу тоифадаги низоларни ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади [6].

Хусусан, мазкур пленум қарорига мувофиқ суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда судлар ФК, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида», «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик



жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида» ва «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, шунингдек суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиши керак.

Ушбу пленум қарорида белгиланишича, мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати миқдори ҳақида тарафлар ўртасида келишувга эришилган бўлса, унинг устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас.

Шу билан бирга, агар шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи суғурта қилдирувчи томонидан бу қиймат борасида била туриб чалғитилган бўлса, мол-мулкнинг суғурта қиймати миқдори устида низолашиш мумкин.

Шунингдек, мазкур пленум қарорига кўра, суғурта ҳодисаси келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли суғурта қилинган воқеа, зарар етказилиши ва юзага келган воқеа билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш фактини ўз ичига олиши ҳамда суғурталаш амалга оширилган воқеанинг юз бериши натижасида зарар етказилиши (суғурталанган мулкнинг зарарланиши ёки камайиши, унинг йўқолиши ёхуд нобуд бўлиши ва бошқалар) билан юзага келган деб ҳисобланиши белгиланган.

Суғурта ҳодисаси келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли суғурта қилинган воқеа шартнома амалда бўлган даврда содир бўлса-да, етказилган зарар шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг аниқланса, фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс (суғурта қилдирувчи, наф олувчи), агар зарар шартнома амалда бўлган даврда етказилган ёки етказилиши бошланган бўлса, суғурта товонини талаб қилишга ҳақли. Ушбу ҳолатда зарар суғурта шартномаси амалда бўлган даврда етказилган ёки етказилиши бошланганлигини исботлаш мажбурияти суғурта қилдирувчи (наф олувчи) зиммасига юклатилади.

Агар иш ҳолатларига кўра зарар келиб чиқишининг аниқ даврини аниқлашнинг имкони бўлмаса, зарар аниқланган пайтда етказилган ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) томонидан суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида шартномада белгиланган муддатда ва усулда суғурталовчини хабардор қилиш мажбуриятининг бажарилмаслиги суғурталовчига суғурта товонини тўлаб беришни рад этиш ҳуқуқини беради. Бунда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида суғурталовчи ўз вақтида билганлигини ёхуд суғурталовчида бундай маълумот мавжуд эмаслиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир қилмаслигини, яъни бундай маълумотларнинг мавжуд эмаслиги унинг (суғурталовчининг) суғурта ҳодисасининг ҳақиқатда содир бўлганлиги ва етказилган зарар миқдорини аниқлаш имкониятига таъсир қилмаслиги ҳақидаги далилларни тақдим қилиб, суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этганлиги юзасидан низолашиш имкониятига эга.

Юқоридагиларга кўра, суғурта шартномасидан келиб чиқувчи низоларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини келтириб ўтиш мумкин.

Биринчидан, ушбу низолар ҳуқуқий низоларнинг бир тури сифатида алоҳида ҳуқуқий муносабатлардан, яъни суғурта шартномаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши ёки оширмаслигидан келиб чиқади.

Иккинчидан, суғурта шартномасидан келиб чиқувчи низоларнинг иқтисодий судларга тааллуқлилиги масаласи суғурта шартномаси тарафларининг мақомидан келиб чиқади. Агарда шартнома тарафлари юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар бўлсагина, низо иқтисодий судларга тааллуқли бўлади.

Учинчидан, суғурта низоси бу бир томондан суғурта муносабатлари иштирокчилари ўртасидан юзага келадиган моддий-ҳуқуқий муносабат бўлса, бошқа томондан даъво аризаси бериш асосида ҳал қилинадиган процессуал муносабат объекти саналади.

Тўртинчидан, суғурта низоларининг аксариятини суброгация даъволари ташкил қилиши ҳамда бу тоифадаги низоларни ҳал қилишда судлар суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтишини, агарда шартноманинг била туриб зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтишини истисно қиладиган шартлари ўз-



ўзидан ҳақиқий бўлмаслигини инобатга олиши лозим.

Бешинчидан, ушбу тоифадаги низоларни ҳал қилишда низони судгача ҳал қилиш тартиби аниқ белгиланмаган. Шу сабабли судлар томонидан бу каби низоларни ҳал қилишда қонун ҳужжатлари талабларига ва шартнома талабларига алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади.

Олтинчидан, иқтисодий тараққиёт ривожланиб бораётгани сари ҳамда бу фаолиятга ҳалқаро стандартлар жорий қилинаётганлиги сабабли суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, суғурта шартномасидан келиб чиқувчи низоларни иқтисодий судлар томонидан ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ ҳал қилиш нафақат суғурта муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилибгина қолмай, аҳолининг судга бўлган ишончини оширишга ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон,
2. <http://oak.uz/userfiles/>
3. <https://www.dissercat.com/>
4. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда // <https://lex.uz/acts/40253>
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда // <https://lex.uz/docs/180552>
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 29.11.2017 йилдаги “Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 45-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3515213>



АКТУАЛЬНОСТЬ ФУНКЦИИ ГОСУДАРСТВА ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ПРАВОПОРЯДКА В УСЛОВИЯХ СТАНОВЛЕНИЯ НОВОГО ПРАВОВОГО ГОСУДАРСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Сидиков Давлатжон Валижон ўғли

Магистрант 1 курса Ташкентского
государственного юридического университета,
E-mail: davlat_9292@mail.ru

Аннотация. В данной статье проводится общий анализ актуальности функции государства по обеспечению правопорядка в условиях становления нового правового государства в Республике Узбекистан, а также рассматривается сущность государства, его место и роль в общественной жизнедеятельности определяется через его функции государства, так как именно через его функций возможно определить особенности и эффективность деятельности государства на определённом этапе развития общества.

Ключевые слова: правоохранительная функция государства, правовое государство, Конституция, демократия, механизм обеспечения, права и свободы граждан.

Функция государства обеспечения правового порядка или, как её по-другому называют, правоохранительная функция государства имеет особое место в системе функций современного государства.

«В современных условиях вследствие расширения круга институтов гражданского общества происходит увеличение сферы их влияния на деятельность государства. В условиях становления правового государства общество и гражданин призваны играть ведущую роль, а государство – создавать все условия и возможности, направленные на удовлетворение и обеспечение реализации их прав, свобод» [1,4].

Для подтверждения выше приведенной мысли хотели бы сослаться на статью 7 Конституции Республики Узбекистан, где сказано, что «народ является единственным источником государственной власти».

Иными словами, «конституционное закрепление прав и свобод человека и гражданина в качестве основных ценностей государства обуславливает их верховенство по отношению к ценностям публично-правового характера» [2,3].

Проблема охраны правопорядка и механизм реализации функций государства по обеспечению правопорядка неоднократно становились предметом специального рассмотрения философов, политологов, социологов, правоведов, историков, а также специалистов ряда других отраслей науки.

Среди советских учёных можно привести Н.Г. Александрова, С.С. Алексеева, С.В. Боботова, В.Г. Графского, Д.А. Керимова, В.Н. Кудрявцева, Э.В. Кузнецова и многих других.

Среди других выдающихся учёных можно привести Х.Кельзена, А.И.Гнатенко, Ю.В. Марченко, А.В. Морозова, Л.А. Морозовой, А.Б.Венгерова, А.В. Малько и других.

Среди учёных независимого Узбекистана можно привести таких учёных – юристов, правоведов, докторов юридического науки, отцов и первопроходцев узбекской школы права, как Х.Б. Бобоева, З. М. Исломова, И.В. Кудрявцева, Х.Т. Одилкориева, М.А. Ахмедшаевой, А.Х. Саидова, М.К. Нажимова и многих других.

По мнению профессора З.М.Исламова «функции государства – это главные (основные) направления (стороны, виды) деятельности государства по реализации стоящих перед ним задач для достижения определённых целей, обусловленных общесоциальной его сущностью и социальным назначением». Дополняя своё мнение, профессор считает, что «функции государства – это направление деятельности, но не в коем случае не сама деятельность» [3,144].

Профессор Кудрявцев Игорь Владимирович под функциями государства понимает следующее: «функции государства – основные направления деятельности государства по решению стоящих перед ним задач» [4,19].

По-мнению профессора Х.Т.Адилкариева «функция охраны правопорядка (правоохранительная функция) – это деятельность государства, направленная на обеспечение точного и полного исполнения законодательных предписаний, установленных



государством» [5,116].

Профессора Х.Т.Адилкариев также считает, что «переход к демократическому государству возводит в разряд приоритетных функцию защиты прав и свобод личности, обеспечение законности и правопорядка» [6,95].

Резюмируя все выше перечисленные доводы учёных-теоретиков, юристов-практиков и исследователей в сфере права, можно сказать, что сущность государства, его место и роль в общественной жизнедеятельности определяется через его функции государства, так как именно через его функций возможно определить особенности и эффективность деятельности государства на определённом этапе развития общества и в целом, а также они помогают реальной оценке его возможностей, способствует более глубокому пониманию механизма его взаимодействия с другими институтами общества в решении наиболее важных политических, экономических, социальных, экологических, культурных и других задач.

Актуальность темы данного тезиса определяется ещё и тем, что «формирование правовой политики, обеспечение законности и правопорядка в обществе, правоохранительной инфраструктуры обусловлено тем обстоятельством, что государство является ведущим субъектом социального управления, оказывает влияние на все стороны жизни общества» [7,112].

Роль функции государства по обеспечению правопорядка в стране в период формирования в Узбекистане правового демократического государства весьма велик, так как мы выше определились с курсом развития правовой государственности, а «правовое государство формируется в условиях, когда складывается новый тип государственности, не просто сориентированный на удержание общества “в узде”, а ставящий своей целью выработку таких механизмов, которые создали бы мощный заслон произволу власти, вынуждая ее функционировать в легитимных формах, подчиняясь требованиям права, действуя в конечном счете в общих интересах. Правовое государство – это институт, всецело работающий на общество. Оно является гарантом и условием цивилизованного взаимодействия населения и власти, общества и государства» [8,115].

Мы не зря выбрали тему «актуальность функции государства по обеспечению правопорядка в условиях становления нового правового государства в республике узбекистан». Те, кто считает, формированием в Узбекистане правового демократического государства должны заниматься только государственные органы в лице должностных лиц, члены правительства учёные-правоведы, юристы и т.п. лица, в чей круг компетентности или знаний входит этот вопрос, весьма сильно ошибаются.

В Конституции Республики Узбекистан существует глава под названием «Политические права» (глава № 8). Как раз-таки в статье 32 данной главы указано, что **«граждане Республики Узбекистан имеют право участвовать в управлении делами общества и государства как непосредственно, так и через своих представителей. Такое участие осуществляется посредством самоуправления, проведения референдумов и демократического формирования государственных органов, а также развития и совершенствования общественного контроля над деятельностью государственных органов»**.

Отсюда можно сделать вывод, что не только выше перечисленные лица ответственны за процесс формирования правового демократического государства, здесь особый статус имеют граждане и общество.

Список литературы:

1. Лебедева Е.В. Институты гражданского общества в реализации правоохранительной функции российского государства. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук. Челябинск. 2007. 28 с.
2. Макштарева С.В. Охрана правопорядка как функция государства и её реализация в форме правоохранительной деятельности. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук. Санкт-Петербург. 2008 год. 418 с.
3. Исламов З.М. Теория государства и права (Теория государства. Часть 1.). Учебник. – Ташкент: Издательство ТГЮИ, 2013. 428 с.
4. Кудрявцев И.В. Современные тенденции развития государства и права// Учебное пособие. Ответственный редактор: З.М. Исламов, д.ю.н., проф. – Ташкент: Изд-во ТГЮУ,



2016.- 231 с.

5. Теория государства и права: Учебник / Х.Т.Адилкариев, И.Т.Тулътеев, Н.П. Азизов и др. / Под общей редакцией проф. Х.Т.Адилкариева. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. – 522 с.

6. Морозова, Людмила Александровна. Теория государства и права : учебник / Л. А. Морозова. - 4-е изд., перераб. и доп. - Москва : Эксмо, 2010. – 384 с.

7. Уваров В.Н. Государство – ведущий субъект социального управления // Право и государство. 2001. № 111-120. С.

8. Кудрявцев И.В.Современные тенденции развития государства и права// Учебное пособие. Ответственный редактор: З.М. Исламов, д.ю.н., проф. – Ташкент: Изд-во ТГЮУ, 2016.- 231 с.



**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ
ТОМОНИДАН ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ТАЪСИР ЧОРАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.
ТАҚДИМНОМАЛАР: УЛАРНИНГ ҚўЛЛАНИШИДА АМАЛИЁТДАГИ
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

Рахмонов Суннатилла Мусурмон ўғли,
Чилонзор туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси
Телефон: +998977786191
E-mail: sunnatillaraxmonov@yandex.ru

Аннотация: Ҳозирги кунда адлия органлари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалиётда учраётган муаммоларни судгача ҳал қилиш босқичида Тақдимномалардан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу мақолада адлия органлари томонидан қўлланиладиган таъсир чораси – Тақдимномаларнинг ўзига хос хусусиятлари, амалиётдаги муаммолар ва унинг ечимлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Адлия, адлия органлари, адлия бўлими, таъсир чора, Тақдимнома.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширишни кўзловчи адлия органлари ва муассасаларига муҳим рол ажратилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида:

“Энди Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлиmlарининг асосий вазифаси қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга қўмаклашиш ва назорат қилишдан иборат бўлади. Шу мақсадда Адлия вазирлигига зарур ваколат ва ресурслар берилди[1]” деб ишонч билдирганлари ҳам адлия органларига катта маъсулият юклайди.

Туман адлия бўлиmlарининг ривожланишидаги муҳим кадам, шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5415-сонли Фармони бўлди. Унга асосан Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта туман адлия бўлиmlари фаолияти ташкил қилинди.

Мазкур Фармонга асосан туманлар адлия бўлиmlарининг асосий вазифалари бири сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юклатилди.

Адлия органлари ҳам ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва низоларни тезкор ҳал этилишида адлия органлари томонидан киритилган Тақдимномалар муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, биргина Чилонзор туман адлия бўлими томонидан 2020 йил давомида фуқаро мурожаатлари асосида ва аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 245 та тақдимномалар киритилгани, уларнинг натижасида 213 800 000 (икки юз ўн уч миллион саккиз юз) мингдан ортиқ суммалар қайта ҳисоб-китлб қилиниб фуқароларга тўлаб берилгани, шунингдек, 41 нафар мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилгани, 80 та ҳужжат бекор қилингани ҳам юқоридаги фикримизни асослайди[2].

Маълумки, Тақдимномалар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида



адлия бўлимлари томонидан мутасадди ташкилот ёки унинг мансабдор шахсига нисбатан – аниқланган қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида қонунбузилишларга йўл қўйган давлат органлари ва ташкилотларига киритилган, ижроси узоғи бир ойлик муддатда таъминлаши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Бироқ, бирор-бир Қонунда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги низом[3]да ҳам Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан киритиладиган тақдимномаларни адлия органларида ушбу бир ойлик муддатни қисқартириш ёки узайтириш борасидаги талаблар аниқ ҳуқуқий асослантилмаган.

Бу эса фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳал этиш механизми самарадорлигига путур етказиши мумкин.

Албатта, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адлия органлари томонидан киритилган Тақдимномаларнинг самарадорлигини янада орттиришда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “198⁴-модда, яъни “Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик” моддасини киритилиши муҳим аҳамият касб этади[4].

Унга мувофиқ, Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик, шу жумладан ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслик, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ўзгартиришнинг миллий қонунчилигимизда акс этиши адлия органлари учун ижобий ҳодиса бўлиб, аввал тақдимномаларни ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликнинг аниқ чегаралари белгиланмаган эди.

Бироқ, бизнингча, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 198⁴-модданинг киритилиши ҳам адлия органлари томонидан киритиладиган барча тақдимномаларнинг самарадорлигини таъминлай олмаслиги мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги низомнинг 12-банди 6-кичик бандида адлия органлари ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида аниқланган қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисида нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларига, адвокатлик тузилмаларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиши мумкинлиги аниқ кўрсатилган.

Адлия органлари фаолияти ҳозирги кунга қадар қонун билан тартибга солинмаганлиги туфайли улар ўз фаолиятини мазкур Низом асосида олиб борадилар.

Низомда эса адлия органлари томонидан мажбурий тақдимномалар киритилиш мумкин бўлган соҳалар (нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида аниқланган қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисида нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар, адвокатлик тузилмалари) билан чекланган.

Бу эса, адлия органлари томонидан бошқа йўналишларда жумладан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ташкилотларга киритган тақдимномаларининг ижросини талаб қилиб олишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Албатта, мазкур вазиятда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг “198⁴-моддасини “Адлия органларининг тақдимномаларини бажармаслик” шаклида баён қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ўзгартириш адлия органлари томонидан киритилган барча тақдимномаларни бажарилиши мажбурий бўлишини таъминлайди.

Юқоридагиларга кўра хулоса қилиш мумкинки адлия органлари инсон ҳуқуқларни таъминлаш борасидаги фаолияти самарадорлигини янада орттириш учун адлия органлари



ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш ва “Адлия органлари тўғрисида” қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Чилонзор туман адлия бўлимининг 2020 йил давомида амалга оширилган ишлари юзасидан Тошкент шаҳар адлия бошқармасига топширган ҳисоботи.
3. Ўзбекистон республикасининг қонуни. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. 2021 йил 14 январь, ЎРҚ-666-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ВА АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АЙРИМ ТАЪСИР ЧОРАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

Рахмонов Суннатилла Мусурмон ўғли,
Чилонзор туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси
Телефон: +998977786191
E-mail: sunnatillaraxmonov@yandex.ru

Аннотация: Бугунги кунда адлия органлари томонидан ўз фаолиятини амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси улар томонидан киритилаётган таъсир чораларининг натижадорлиги билан ҳам бевосита боғлиқ. Мазкур тезисда адлия органлари томонидан ўз фаолиятни амалга оширишда қўлланиладиган таъсир чоралар самарадорлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, амалиётдаги муаммолар ва унинг ечимлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: адлия, адлия бўлими, ҳуқуқий муаммолар, таъсир чора, мурожаатлар, инсон ҳуқуқлари, Огоҳнома.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу моддада белгиланган устувор вазифаларни бажариш мақсадида адлия бўлими ҳам ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда. Зеро, ҳуқуқшунос олимлар қад этганларидек, “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий қонунчилик тизимининг ўзагини ташкил этади” [1].

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги низомида адлия органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш соҳасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини доимий равишда таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши, фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини ҳолисона ва ҳар томонлама кўриб чиқишини таъминлаши, уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриши, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўриши каби бир қатор ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган [2].

Албатта, адлия органлари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишларнинг тез ва сифатли ҳал бўлиши, бузилган ҳуқуқларни тикланишида улар томонидан қўлланилаётган таъсир чораларининг ўрни ҳам катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда адлия органлари томонидан тақдимнома, огоҳнома, маъмурий таклиф ва даво аризалардан кенг фойдаланилмоқда.

Биз мазкур тезисимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қўлланиладиган таъсир чоралардан бири Огоҳномалар ҳақида айрим фикрларни келтириб ўтаемиз.

Маълумки, Огоҳнома – келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳамда қонунбузилишларни олдини олиш мақсадида қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахслар номига киритилган ҳужжат ҳисобланади.

Ҳозирги кунда адлия органлари томонидан ушбу таъсир чорасидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Жумладан, Чилонзор туман адлия бўлими томонидан 2020 йилда тумандаги давлат ташкилотлари ва корхонларига қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик ёки уларни бузганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик масалалари белгиланганлиги юзасидан 1683 та огоҳномалар киритилган.



2021 йил 1 чорагида ушбу кўрсаткич 394 тани ташкил қилади. [3]

Бирок, бирор-бир Қонунда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПК-3666-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги низомда ҳам Огоҳнома таъсир чораси сифатида муайян ташкилотга киритилгач унга нисбатан ташкилотлар томонидан қандай чоралар кўрилиши лозимлиги аниқ асослантирилмаган.

Масалан, инсон ҳуқуқлари соҳасида муайян қонунбузилишларга йўл қўймаслик учун ташкилотларга адлия бўлимлари томонидан огоҳнома – келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан юборилса, ташкилотлар бунга муносабат билдириши ёки билдирмаслиги борасида муайян кўрсатма мавжуд эмас.

Амалда адлия органларида киритилган огоҳномаларнинг ижросини, шунингдек унга асосан ташкилотда қандай ишлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (адлия органлари томонидан киритилган огоҳнома асосида ўтказилган мажлис баёни ва х.к) ни сўраб олишга оид ваколат мавжуд эмас.

Шунингдек, огоҳнома киритилган сўнг ташкилотларда айнан огоҳномада кўрсатилган камчиликлар аниқланса, муайян жазо тайинлашда ушбу огоҳнома киритилганлиги факти инобатга олинмайди.

Бу эса адлия органлари томонидан киритилган огоҳномалар аҳамиятини камайтириши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин адлия органлари томонидан киритилаётган огоҳнома кўринишидаги таъсир чораларини самарадорлигини янада орттириш мақсадида огоҳнома асосида амалга оширилган ишларга оид маълумотларни ташкилотлардан муайян муддатда сўраб олиш ҳуқуқини адлия органлари ваколатига киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 06/18/5415/1072-сон; 20.05.2020 й., 06/20/5997/0634-сон.
3. Манба: Чилонзор туман адлия бўлимининг 2020-2021 йилларда Тошкент шаҳар адлия бошқармасига асосий фаолият йўналишлари юзасидан топширган ҳисоботи.



ҲАММАГА МАЪЛУМ ТОВАР БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ.

Фозилова Юлдуз Олимовна

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактаби магистранти

Телефон: +99890-665-35-75

Хакимова Ирина Бакировна

Тошкент шаҳар суди судьяси

Телефон: +99890-325-59-13

Аннотация: Дунёда товар белгилари сони ортиб бораётган бир шароитда унга эгалик қилувчи шахснинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилиш асосларини такомиллаштириш масалалари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Мазкур мақола мамлакатимизда ҳаммага маълум бўлган товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизмларини ёритиб беради.

Калит сўзлар: Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, ҳаммага маълум бўлган товар белгилари (брендлар).

Бугунги кунда инсон капиталидан самарали фойдаланиш, яратилган интеллектуал мулк объектларини тижорат жараёнларига кенг жорий этиш ва соҳани иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айлантириш жаҳоннинг иқтисодиёти ривожланган давлатлари учун энг муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи тизимида товар белгиси ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек соҳага оид қонун ҳужжатлари нормаларини тизимлаштириш, унификациялаш орқали янада такомиллаштириш, товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг таъсирчан тизимини яратиш, шу билан бирга товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олиш механизмларини хорижий давлатлар илғор тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан уни қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Товар белгиларини ҳуқуқий тартибга солишда амалиётда бир қанча муаммолар мувжуд. Хусусан, товар белгиси эгасининг товар белгисига бўлган ҳуқуқини Интернетда ҳимоя қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётида товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланган ҳуқуқбузар ноқонуний ҳатти-ҳаракати натижасида мутлақ ҳуқуқ эгасига етказилган зарарни аниқлаш ва ўлчашнинг ягона мезонлари мавжуд эмаслиги, товар белгисига оид низоларни кўриб чиқишдаги судлов амалиётининг кенг аҳамият касб этмаганлиги, товар белгисининг суд томонидан барчага маълум деб топишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси - бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.¹

Ўзбекистон Республикасида товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ҳисобланади.

Товар белгилар сифатида сўзлар, ҳарфлар, рақамлар, тасвирлар, муайян шакллар, логотиплар, этикеткалар ва уларнинг бирикмалари, бир ёхуд турли рангдаги жамланма ифодалар рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонун /30.08.2001 йил /267-II-сонли / www.lex.uz/.



Илмий адабиётларда товар белгиларининг функциялари куйидаги уч асосий гуруҳга ажратилади¹:

— шахсийлаштириш функцияси – бир ишлаб чиқарувчи муайян турдаги товарни рақобатчи ҳисобланган бошқа ишлаб чиқарувчининг аналогик товаридан фарқлашга хизмат қилади;

— ахборот функцияси – истеъмолчига товар ҳақидаги ахборотларни етказиб бериш ҳамда уларга танлаш имкониятини яратишга хизмат қилади;

— реклама функцияси – товар сифати тўғрисидаги ахборотларни жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш орқали, уни истеъмолчилар орасида танитади².

Назарий жиҳатдан товар белгилари фойдаланувчи субъектларнинг сонига кўра, индивидуал товар белгилари ва коллектив товар белгилари каби таснифланади.

Истеъмолчилар орасида таниқлилигига кўра, эса оддий, ҳаммага маълум ва жаҳон товар белгилари каби таснифланади.

Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонун (кейинги ўринларда – Қонун деб юритилади) нинг 3-моддасида товар белгилари яқка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур Қонунга «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2007 йил 19 сентябрь, ЎРҚ-111-сон Қонуни билан ўзгартириш киритилиб, Қонун қўшимча 32¹, 32² моддалари билан тўлдирилиб, унда ҳаммага маълум бўлган товар ва уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси масаласи киритилган.

Қонуннинг ижроия механизми Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари” билан тартибга солинади.

Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказиш асосида муҳофаза қилинадиган товар белгиси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган товар белгиси, шунингдек товар белгиси сифатида фойдаланиладиган, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган белги юридик ёки жисмоний шахснинг аризасига биноан, агар бундай товар белгиларидан ёки белгидан муттасил фойдаланилиши натижасида улар аризада кўрсатилган санадаги ҳолатга кўра мазкур шахснинг товарлари хусусида Ўзбекистон Республикасида тегишли истеъмолчилар орасида кенг маълум бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилиши мумкин.

Қонунда товарнинг ҳуқуқий ҳимояси масалалари белгиланган бўлиб, унга асосан ҳаммага маълум товар белгисига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашининг қарори асосида ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Ўзбекистонда ҳаммага маълум товар белгисини тан олиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигининг 2008 йил 25 декабрдаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига апелляция ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш” Қоидалари асосида амалга оширилади. Мазкур қоидаларнинг 2-қисми 2-банди “в”-кичик бандига мувофиқ, товар белгисини ҳаммага маълум белги сифатида эътироф этишда ариза берувчи ўз навбатида ариза билан бирга:

- товар белгисидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кенг фойдаланилгани ҳақидаги маълумот;
- товар белгисидан фойдаланилган ҳолда товар реализация қилинган аҳоли пунктларининг рўйхати;
- ушбу товарлар реализациясининг ҳажми ҳақида маълумот;
- ярмарка ва кўргазмаларда товар белгисидан фойдаланилган маҳсулотлари ва/

¹ Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность: Законодательство и практика его применения: Учебное пособие. -М.: 1997. -С. 79-80.

² Интеллектуал мулк ҳуқуқи: товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси. Ўқув қўлланма // Бобоқул Тошев, Фируз Набиев – Тошкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2019.



ёки хизматлар рекламаси ва тақдимотини ҳам ҳисобга олган ҳолда, товар белгисидан фойдаланиш усули ҳақида маълумот;

- товар истеъмолчиларининг ўртача йиллик сони ҳақида маълумот;
- товар белгиси машҳур бўлган мамлакатлар ҳақида маълумот;

- Агентлик белгилаган тавсияномаларни ҳисобга олган ҳолда, ихтисослашган мустақил ташкилот томонидан товар истеъмолчилари орасида ўтказилган сўров натижалари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

Ҳаммага маълум товар белгисини муҳофаза қилиш учун юқорида белгиланган талаблар мажбурий аҳамиятга эга бўлиб, белгини муҳофаза қилиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этмаган, лекин ҳужжатлар тақдим этилган бўлса-да, товар белгисини ҳаммага маълум товар белгиси сифатида эътироф этиш учун етарли ва аниқ асослангандир деган далиллар бўлмаса, мутлақ ҳуқуқ эгасининг ушбу товар белгисига нисбатан ҳаммага маълум товар белгиси сифатида эътироф этилмайди ва тегишли ҳуқуқий муҳофаза лаёқатига эга бўлмайди.

Умуман олганда, ҳаммага маълум товар белгиси оддий турдаги товар белгисига нисбатан кенг оммавийлашганлиги натижасида уни шахсийлаштирган шахсга кўп даромад келтириши билан ўзига хос ҳуқуқий мазмунга эга. Шу сабабли ҳам, аксарият ҳолатларда оддий товар белгисига нисбатан ҳаммага маълум ва истеъмолчилар орасида кенг истеъмол муомаласида бўлган товар белгиларини маҳсулотни қалбакилаштирувчи сохталаштиришга ҳаракат қилади.

Ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгиси Агентлик томонидан Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилади.

Ҳаммага маълум товар белгисига тааллуқли бўлган маълумотлар улар Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилганидан кейин Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

Ҳаммага маълум товар белгисига гувоҳнома бериш товар белгиси Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилган санадан эътиборан ўн иш куни ичида Агентлик томонидан амалга оширилади. Гувоҳноманинг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

Ҳаммага маълум товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазаси муддатсиз амал қилади.

Ҳаммага маълум товар белгиларининг оддий товар белгиларидан фарқли жиҳати шундаки, мазкур товар белгилари товар истеъмолчилари томонидан кенг фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур товар белгиларига нисбатан махсус ҳуқуқий ҳимоя тақдим этиш заруратини келтириб чиқаради. Бунда ҳаммага маълум товар белгисига махсус ҳуқуқий ҳимоя тақдим этишдан асосий мақсад, ҳуқуқ эгасига сезиларли даражада моддий зарар этказувчи, унинг ишчанлик обрўсига путур этказувчи, шунингдек истеъмолчида товар ва унинг ишлаб чиқарувчиси тўғрисида асосиз ва ёлғон таассурот келтириб чиқарувчи ноҳалол рақобат ҳатти-ҳаракатларининг олдини олишдир.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, товар белгиларига бўлган ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олишнинг ишончли йўли бу шз ваътида зарур чораларни кўриш, яъни уларни давлат рўйхатидан ўтказишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонун /30.08.2001 йил /267-II-сонли / www.lex.uz/.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Т.: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2020 й. – 592 б.

2. Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность: Законодательство и практика его применения: Учебное пособие. -М.: 1997. -С. 79-80.

3. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси. Ўқув қўлланма // Бобоқул Тошев, Фируз Набиев – Тошкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2019.

4. Ариевич Е.А. Патенты и лицензии. 2001 г. № 9. – С. 8.

5. Боденхаузен Г. Парижская конвенция по охране промышленной собственности: Комментарий. М.: Прогрес, 1977.

6. © З.Қ.Бабакулов. “Интеллектуал мулк объекти сифатида товар белгиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми: умумий қоидалар” монография, Тошкент давлат юридик университети, 2017 йил.



KORRUPSIYAGA QARSHI KURASH – DOLZARB MASALA

Rahimova Sarvinoz Shokirovna.

Navoiy viloyati Karmana tumaniga qarashli

32 umumiy o'rtta ta'lim maktabi

Davlat va huquq asoslari fani o'qituvchisi

Korrupsiya — mansabdor shaxsning o'z mansabi bo'yicha berilgan huquqlarni shaxsiy boyish maqsadlarida bevosita suiiste'mol qilishidan iborat amaliyot. Shuningdek, korrupsiya — shaxsning o'z mansab yoki xizmat mavqeidan shaxsiy manfaatlarini yoxud o'zga shaxslarning manfaatlarini ko'zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanishi, xuddi shuningdek bunday nafni qonunga xilof ravishda taqdim etishdir. Mansabdor shaxslarni sotib olish, ularning poraga sotilishi ham korrupsiya deyiladi.

Korrupsiya – nihoyatda ijtimoiy-siyosiy vayronkor kuch, uning oqibatida milliy iqtisodiyotga putur yetadi, ijtimoiy tengsizlik chuqurlashadi, xalqning davlat boshqaruvi hokimiyati organlariga ishonchi yo'qoladi, uyushgan jinoyatchilik kuchayadi, jamiyatda ma'naviyat izdan chiqib boshlaydi. Korrupsiya oqibatida kelib chiqadigan noxush hodisalar ro'yxatini yana davom ettirish mumkin. Korrupsiya buzg'unchilik tabiatiga ega ekani uchun ham insoniy jamiyat qadim zamonlardan boshlab unga qarshi kurashib keldi.

Tarixiy ma'lumotlarga ko'ra, korrupsiyaga qarshi kurash ilk bor miloddan avvalgi XXIV asrda Mesopotamiyaning Lagash degan shahar-davlatida boshlangan, lekin taassufki, barcha sa'y-harakatlar zoye ketgan. Keyingi zamonlarda ham korrupsiyaga qarshi qancha-qancha kurashlar yuz berdi, lekin ular besamar yakun topdi.

Insoniyat tarixida korrupsiyani tugatish yo'llari va huquqiy asoslari Hindistonda yaratildi. Bundan 2,5 ming yil avval yozilgan "Artxashastra yoxud Siyosat ilmi" kitobi davlatni boshqarish va xo'jalik yuritish mavzuiga bag'ishlangan bo'lib, o'sha davrning siyosiy va iqtisodiy qomusi sifatida dunyoga keldi. Bu asarga davlatni tuzish, boshqarish va uni rivojlantirishning huquqiy asoslari, deb qarash ham mumkin. Kitob muallifi sifatida brahman Kautile nomi (u Chanakya ismi bilan ham mashhur) zikr etiladi. "Artxashastra"ning 26-bo'limi korrupsiyaga bag'ishlangan. Bo'limda korrupsiya "o'zlashtirish" iborasi orqali izohlanadi: "Shohning shaxsiy yoki boshqa mulklariga qo'l cho'zish o'zlashtirishdir. Bu holatda narxi yuqori bo'lgan buyumlarni o'zlashtirganlik uchun o'lim jazosini qo'llash, narxi o'rtacha bo'lgan buyumlarni o'zlashtirganlik uchun ularni undirib olish, narxi past bo'lgan mulklarni o'zlashtirganlik uchun ularni qaytarib olish jazolarini tayinlamoq lozim". "Artxashastra"da poraxo'rlikning qirqta turi tasnif etiladi. Korrupsiyaning oldini olishga javobgar mansabdor shaxs vaqti-vaqti bilan xalq to'planadigan joylar va bozorlarda quyidagicha murojaat qilib turishi lozimligi aytiladi: "Biron bir boshliqdan zarar ko'rganlar bo'lsa, shu haqda bizga xabar bersinlar".

XX asrga kelib Shvetsiya, Singapur, Yangi Zelandiya, Shveysariya kabi mamlakatlarda korrupsiyani qattiq jilovlashga muvaffaq bo'lindiki, mazkur davlatlar fuqarolari va davlati orttirgan tajriba barchani korrupsiyaga qarshi kurashga ruhlantirmoqda.

Hozirgi davrdagi "korrupsiya" tushunchasini sharhlaydigan bo'lsak, u asosan, "shaxsiy foyda olish uchun hokimiyatni suiiste'mol qilish" ma'nosida ishlatiladi. Korrupsiyaning quyidagi to'rt asosiy sababini keltirish odat tusiga kirdi:

1. Shaxsiy sabablar. Korrupsiya "yomon" hodisa, u yaxshi ta'lim-tarbiya ko'rmaslik va kam maosh oladigan amaldorlarning nokasligi oqibatida paydo bo'ladi.

2. Institutsional sabablar. Bunda boshqaruvning kuchsizligi asosiy omil sanaladi. Masalan, kadrlar tayyorlash, hisobga olish va nazorat qilishning samarasizligi, mansabdorlarni yo'llashning osonligi va ularni oson ishdan haydash, ularda uzoq vaqt mansabda turishga ishonchsizlik paydo bo'lishi kabilar korrupsiyani rag'batlantiruvchi omillardir.

3. Tizimiy sabablar. Hukumat ba'zan jamiyatning shunday talablariga duch keladiki, ularni bajarishning rasmiy tartiblari hali aniq ishlanmagan bo'ladi yoxud ular ko'p miqdorda mablag' talab etadi va aksar holda uzoq muddatlarga cho'ziladi. Shunday holatlarda korrupsiyaga to'g'ridan-to'g'ri va qisqa yo'llar ochiladi.

4. Ko'p tomonlama sabablar. Ba'zan davlat rahbariyatining o'ziga xos xulqi tufayli davlat boshqaruvida hal qiluvchilik rolini "shaxsiy" omillar bajaradi. Bunday sharoitda davlat mansablariga ishonchga sazovor odamlar tayinlangan taqdirda ham institutsional va tizimga oid



muammolar sabab korrupsiya ko‘payadi.

BMT ma’lumotlariga ko‘ra, hozir dunyoda har yili 1 trillion AQSh dollari hajmida pora beriladi. Jahon iqtisodiyoti har yili korrupsiya tufayli 2,6 trillion dollar mablag‘dan ayriladi, bu jahon yalpi ichki mahsulotining 5 foizidir. BMT Bosh kotibining bildirishicha, “Korrupsiya odamlarni maktab, kasalxonalardan mahrum qiladi, investorlarni vahimaga soladi, tabiiy resurslar talon-taroj bo‘lishiga sabab bo‘ladi, boshqa turli jinoyatlar paydo bo‘lishiga shart-sharoit yaratadi.

Jahon mamlakatlari orasida korrupsiyaning yoyilishi indeksi har yili xalqaro Transparency International tashkiloti tomonidan aniqlab chiqiladi. Transparency Internationalning 2018 yil uchun indeksi 180 mamlakatni qamrab olgan va 0 dan (korrupsiyaning eng yuqori darajasidan) 100 gacha (korrupsiyaning eng past darajasigacha) bo‘lgan ko‘rsatkich asosida korrupsiyaning qanchalik yoyilganini ko‘rsatadi. Ushbu indeks bo‘yicha eng kam korrupsiyalashgan mamlakatlar sirasiga Daniya, Yangi Zelandiya kiradi. Eng ko‘p korrupsiyalashgan mamlakatlar esa Somali, Suriya, Janubiy Sudan bo‘lib, Transparency International tashkiloti ma’lumotiga ko‘ra, korrupsiyalashish ko‘rsatkichi bu davlatlarda 10 dan 13 gacha.

Rivojlangan mamlakatlar qonunchiligiga korrupsiyaning oldini olish maqsadida davlat mansabdorlarining korrupsiyaviy faoliyatga yo‘l qo‘ymaslik maqsadida qator taqiqlar, cheklov va yo‘l-yo‘riqlar standartlari kiritilishidan tashqari yana maxsus “korrupsiyaviy bardoshlilikni tekshirish” usuli ham joriy etilgan.



КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРУВЧИ ШАХСЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Шамшиев Жамшид Аслиддинович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг магистратура тингловчиси

Аннотация. Мақолада коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шахсларни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масалалари ҳамда соҳани ривожлантириш юзасидан амалий таклифлар ўрин олган.

Таянч сўзлар: коррупция, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш, коррупциянинг олдини олиш.

ВОПРОСЫ ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ ЛИЦ, СООБЩАЮЩИХ О ФАКТАХ КОРРУПЦИИ

Аннотация. Статья содержит практические рекомендации по вопросам правовой защиты информаторов и развития отрасли.

Ключевые слова: коррупция, сообщение о случаях коррупции, предотвращение коррупции.

ISSUES OF PROVIDING LEGAL PROTECTION OF PERSONS WHO REPORT ON CORRUPTION

Annotation. The article contains practical suggestions on the issues of legal protection of whistleblowers and the development of the sphere.

Key words: corruption, reporting cases of corruption, prevention of corruption.

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш нафақат давлат миқёсидаги, балки халқаро миқёсидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан, коррупцияга қарши курашда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шахсларни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

2010 йил ноябр ойида бўлиб ўтган Сеул саммитида G20 раҳбарлари коррупцияга қарши курашнинг глобал кун тартибидаги енг муҳим вазифа сифатида хабар тарқатувчини ҳимоя қилишни белгилашди. G20 хабар берувчиларни самарали ҳимоя қилиш учун қонунларнинг муҳимлигини англаган ҳолда, G20 Коррупцияга қарши кураш режасининг 7-бандида G20 мамлакатлари коррупцияда гумон қилинганлиги тўғрисида хабар берган хабар берувчиларни иш берувчилар томонидан камситилиш ва санкциялардан ҳимоя қилишга қарор қилдилар.

Ўша пайтда, кўплаб хорижий давлатларда коррупция тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик мавжуд еди - аксарият ҳолларда ушбу шахслар меҳнат тўғрисидаги махсус қонунлар асосида ҳимояланган, бу жамоат мақсадлари учун турли хил маълумотларни (шу жумладан, махфий) ошкор қилишга имкон беради. иш берувчилар иш жойидаги қонунбузарликлар тўғрисида хабар берган хабар берувчиларни ишдан бўшатишдан ва ишдан бўшатишдан тақдирда ёки уларга нисбатан қўлланиладиган бошқа камситувчи жазо чоралари бўйича апелляция тартибини белгилайдилар. Шу билан бирга, бундай шахсларни ҳимоя қилиш бўйича баъзи қоидалар баъзида коррупцияга қарши қонунчиликда учрайди.

Хабар берувчиларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидалар миллий қонунчиликнинг кўплаб манбаларида мавжуд бўлганлиги сабабли, уларни қуйидагича тизимлаштириш мумкин: коррупцияга қарши қонунчилик; ҳуштакбозларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар; махсус жиноят қонунчилиги чоралари ва тармоқ қонунлари.

Коррупцияга қарши хорижий давлат қонунчилигида кўпинча хабар берувчиларни ҳимоя қилиш қоидалари коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида учрайди. Масалан, бундай хатти-ҳаракатлар 2001 йилги Кореянинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонуни (2005 ва 2008 йилларда ўзгартирилган) [1] коррупция тўғрисида хабар берган хабар берувчиларни ҳимоя қилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонун Корея Республикасида 2011 йилда Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчиларни ҳимоя



қилиш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинганидан кейин ҳам амал қилади.

Ўзбекистон Русубликасида ҳам коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлик учун химоя остига олиш тўғрисида Қонунлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг [2] 28-моддасига асосан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахслар давлат химоясида бўлади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни таъкиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлгон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Бундан ташқари, “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига [3] асосан жиноят тўғрисида хабар берувчи шахсларни химоя қилиш чоралари белгиланган. Хусусан Қонуннинг 4-моддасига кўра, химоя қилинувчи шахслар қуйидагилардан иборат:

- 1) жабрланувчи ва унинг қонуний вакили;
- 2) гувоҳ;
- 3) жамоат айбловчиси ва жамоат химоячиси;
- 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг химоячилари ва қонуний вакиллари;
- 5) маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс;
- 6) фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари;
- 7) эксперт, мутахассис, таржимон ва холис.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам химоя қилинувчи шахслар бўлиши мумкин.

Химоя қилиш чоралари жиноят иши қўзғатилгунига қадар аризага, жиноят шохидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, Хавфсизлик чоралари қуйидагилардан иборат:

- 1) химоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;
- 2) шахсни, уй-жойни ва бошқа мол-мулкни кўриклаш;
- 3) химоя қилинувчи шахсга махсус индивидуал химоя воситаларини ва техник воситаларни бериш;
- 4) вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш;
- 5) бошқа яшаш жойига кўчириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш;
- 6) ҳужжатларни алмаштириш;
- 7) химоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилишини чеклаш;
- 8) қамоқда ёки жазони ўташ жойларида сақланаётган химоя қилинувчи шахсга нисбатан кўшимча хавфсизлик чораларини таъминлаш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган хавфсизлик чоралари фақат оғир ва ўта оғир жиноят ишлари бўйича зарур бўлган ҳолларда амалга оширилади.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда хабар берувчи шахслар қонун химоясига олингани тўғрисида умумий норма мавжуд бўлиб, химоя механизмлари ва қафолатлари белгиланмаган. Шу билан бирга, Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда фақатгина саккизта хавфсизлик саралари белгиланган. Барчамизга маълумки, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар асосан давлат бошқарув органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, давлат ташкилотлари, давлат улуши бўлган корхоналарда ҳамда хўжалик бошқарув органларида содир этилади. Ушбу ташкилотларда содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар кўпинча шу ташкилотда ишловчи ходимларгагина маълум бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, давлат бошқарув органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, давлат ташкилотлари, давлат улуши бўлган корхоналарда ҳамда хўжалик бошқарув органлари ходимлари томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши натижасида унга нисбатан бўлиши мумкин бўлган таъкибларни олдини олиш лозим бўлади. Бунда ходимнинг меҳнатга оид муносабатларда ҳуқуқий химоясини таъминлаш зарурияти вужудга келади. Агар ходим



раҳбарнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан хабар берган тақдирда унга нисбатан меҳнат фаолияти билан боғлиқ таъқиб юзага келиши мумкин. Ушбу ҳолатларни инobatга олган ҳолда коррупция ҳолатлари тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берган ходимларнинг қатъий рўйхати шакллантириб борилиши ҳамда иш берувчи томонидан ходимга нисбатан устама, рағбатлантиришларни камайтиришга, интизмой жазо чорасини қўллашга ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилишга Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигининг рухсати билан йўл қўйиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Act on Anti-Corruption and the Establishment and Operation of the Anti-Corruption and Civil Rights Commission 2001.
2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда).
3. Ўзбекистон Республикаси “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон)



MAIN FACTORS THAT CONTRIBUTE CORRUPTION IN ATTRACTING BUSINESS ENTITIES TO SPONSORSHIP

Yo‘ldoshev Hikmatulla Ismatulla o‘g‘li

Trainee of General Prosecutors Academy

Tel: +998(97) 727 94 93

Xikmatilla.yoldoshev@bk.ru

Annotation: This thesis is devoted to the analysis of cases of illegal involvement of business entities in sponsorship and shortcomings in the normative legal acts, which are the main factors that cause them, the legal awareness of the population, the specific mechanisms of sponsorship.

Key words: anti-corruption immunity, business entity, entrepreneur, legal consciousness, legal awareness week.

In recent years, in Uzbekistan has been done a lot to develop entrepreneurship, attract investment and create a favorable environment for doing business, strengthen the legal guarantees to protect the legitimate interests of entrepreneurs.

As a result of these reforms, to date, over 480,470 individual entrepreneurs have been registered by the Single Interactive Public Services Portal in the Republic by 2021¹.

However, despite the ongoing reforms, there are still cases of illegal attraction of the business entities to sponsorship. There are a number of factors that contribute to these situations. However, in our opinion, the following factors are a priority.

The initial factor that is contributing to corruption cases in the relationship with the sponsorship of business entities is the lack of legal awareness of these business entities. Their lack of knowledge about the legal rights and interests established by law leads to corruption offenses.

Several definitions of legal consciousness have been formed in the literature. Summarizing them, the following definition can be given: “Legal consciousness is, first of all, a set of perceptions, knowledge, information and emotions that represent the attitude of people to the existing legal system, legislation and other (current and ideal) legal phenomena”².

The general definition of the tasks to increase the legal knowledge of the population and the lack of a clear effective mechanism for their implementation show that the work on raising the legal culture in society is ineffective.

Insufficient legal knowledge and lack of anti-corruption immunity of business entities, as well as almost no use of the opportunity to appeal against illegal decisions of government agencies, lead to cases of discrimination against the rights and legitimate interests of citizens by officials.

For example, according to Article 241⁴ of the Code of Administrative Offenses and Article 192⁴ of the Criminal Code, compulsory involvement of business entities in sponsorship and other activities related to the allocation of funds and other material assets by an inspector, law enforcement and an official or employee of another state body and public organization cases of incitement to liability. However, according to Supreme Court statistics, since Article 192⁴ was included in the Criminal Code, no criminal case has been filed under this article. Also, in 2017, two fines were imposed under Article 241⁴ of the Code of Administrative Offenses. The fact that no other violations have been identified is proof of our above statement.

Second, the fact that the **normative and legal acts** regulating the implementation of sponsorship activities by business entities do not currently fully cover the relationship between the entrepreneur and the sponsor, creates the basis for corruption in these relations.

The relationship of sponsorship of business entities is a broad concept, and the regulation of this relationship requires special attention. Currently, there are a number of regulations governing this activity. In particular, the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, the Law of the Republic of Uzbekistan “On Sponsorship” adopted on May 2, 2007, the Law of the Republic of Uzbekistan “On Patronage” adopted on October 16, 2019, in the form of charitable donations Resolution of the Cabinet of Ministers on measures to ensure transparency and efficiency in the use of funds, etc.

¹ https://fo.birdarcha.uz/s/uz_landing Business Entity Registration Module of the Portal.

² Odilqoriyev X.T.Davlat va huquq nazariyasi. textbook. – Toshkent. «Adolat», 2018. – 528 p.



The above-mentioned laws regulating social relations related to the sponsorship of business entities have overlapping features. According to Article 4 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Patronage”, adopted on October 16, 2019, craft culture and art, as well as other activities related to the development of science, education, enlightenment and culture and art is a sponsorship activity carried out by individuals and legal entities in the field. Patronage should be included in the law on sponsorship as a form of sponsorship.

In addition, the lack of an organization to regulate the social relations related to the sponsorship of business entities, the legal protection of sponsorship entities, creates difficulties for business entities. In addition, the lack of by-laws regulating these relations and the fact that the existing ones are outdated and do not meet modern requirements also lead to corruption.

Third, there is no clear procedure for reviewing reports of involuntary sponsorship of business entities.

That is, if a person is found guilty of illegal sponsorship, he or she will be fined for the first time. As a result, the official who imposed the fine tries to influence the entrepreneur in a different way illegally (for example, by using discretionary powers). This is because only an official who can exert legal influence on business entities can engage an entrepreneur in illegal sponsorship.

Fourth, the lack of adequate incentives for sponsorship activities by business entities has hampered the voluntary nature of sponsorship activities by entrepreneurs. This, in turn, leads to cases of involvement of sponsorship by the relevant officials outside the scope of their authority.

Suggestion to tackle these problems:

1. Introduce a “legal awareness week” for entrepreneurs based on the experience of Singapore;¹
2. Establish a non-governmental body similar to the Public Legal Education Association of Canada;²
3. Consolidation of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Sponsorship” and the Law of the Republic of Uzbekistan “On Patronage”, adopted on October 16, 2019.
4. Introduction of types and forms of sponsorship in the Law of the Republic of Uzbekistan “On sponsorship”
5. Development of a new Regulation on the implementation of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Sponsorship”;
6. Abolish the rule of administrative liability for the first offense committed by officials involved in illegal sponsorship. That is, direct criminal prosecution
7. Develop regulations to ensure the safety of those who report corruption and **especially their families**. This is because the Regulation on the Procedure for Incentives for Persons Reporting Corruption-Related offenses or otherwise assisting in the fight against corruption, adopted on 31 December 2020, does not meet these requirements.

Bibliography

1. Conceptual Foundations of Sponsorship Research Margaret A. Johnstona & George S. Spaisba University of Queensland, Brisbane, Australia Graduate Technological Educational Institute of Western Greece, Kozani, Greece Published online: 05 Jun 2015. Page 20
2. Political Connection, Corporate Philanthropy and Efficiency: Evidence from China’s Anti-Corruption Campaign – Zhuoqun Haoy Yu Liuz Jinfan Zhangx Xiaoxue Zhao { March 6, 2020.
3. <https://lex.uz/uz/> National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan
4. <https://www.u4.no/> Norwegian anti-corruption center

1 <https://www.lawawarenessweeks2019.com/> Singapore’s public education website.

2 <https://www.pleac-aceij.ca/> home page of public legal education association of Canada



ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ СТАНОВЛЕНИЯ ИНСТИТУТА ПРЕЗИДЕНТСТВА В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Ёдгоров Бехзод-мирзо Фаррух угли

Магистрант по направлению право государственного управления
Ташкентского государственного юридического университета

Телефон: +998 (99) 876 39 97

Bekhzod91@mail.ru

Аннотация. Тезис посвящен изучению и правовому анализу становления и развития института президентства в Республике Узбекистан. В тезисе рассматриваются этапы формирования конституционно-правовых полномочий Президента Республики Узбекистан, даются выводы сделанные во время изучения данного правового института.

Ключевые слова: Президент Республики узбекистан, институт президенства, политика, правовой институт, система государственной власти, Конституция Республики Узбекистан, государственное управление

Становление и развитие института президентства в Республике Узбекистан неразрывно связано с обретением независимости и в определенной мере является гарантом ее развития. Известно, что начатые в середине 80-х годов прошлого столетия перестройки в бывших социалистических союзных республиках имели отрицательные последствия, что привело экономику в сложное состояние, в следствии которого произошло ухудшение потребительского рынка, увеличение числа организованной преступности, увеличение возможности возникновения межнациональных конфликтов и распрей. Поскольку в Конституции Узбекистана в те времена отсутствовал институт главы государства, фактически ее функцию выполняли руководители коммунистической партии республики, не смотря на то что в законе не был зафиксирован такой порядок. Ухудшающаяся ситуация во всех сферах социальной и общественной жизни требовала от руководства нашей страны отказа от административно-командного управления и перехода на новые методы организации государственной власти, а также установления новых взаимоотношений между Узбекистаном и центром. Все эти обстоятельства в совокупности стали основанием в надобности учреждения должности Президента. У.Чориёров отмечает: «потеря статусной роли КПСС, руководствующей великой созидательной деятельностью советского народа, в жизни общества и государства, повышения необходимости в новом институте для увеличения их пользы обществу, явилось самой важной и решающей причиной в возникновении института президентства»[1. С. 110-115].

Таким образом 24 марта 1990 года был принят закон «Об учреждении должности Президента Узбекистана и о внесении изменений и дополнений в Конституцию (Основной закон) Узбекской ССР» согласно которому в республике, первой среди стран бывших союзных республик, была учреждена должность главы государства – Президента Узбекистана. М.М.Миракулов отмечает, что разделяет становление и формирование конституционно-правового статуса Президента Республики Узбекистан на три этапа и именно с этого момента начинается первый этап [2. С. 44].

Первый этап вбирает в себя период начиная с 24 марта 1990 года до 1 ноября 1990 года и в нем правовой статус президентства по своей природе была схожей со статусом парламентарно-президентской республики. Избрание Президента со стороны парламента, а не народом, и имело влияние на формирование его полномочий. На тот момент президент не являлся руководителем исполнительной власти. Совет Министров представлял собой высший орган исполнительно-распорядительной власти. В этот период Президент Республики Узбекистан приобрел свойственные традиционным парламентским республикам стандартные полномочия, как: представление республики внутри страны и в международных отношениях; обеспечение согласованного функционирования и взаимодействия органов государственной власти; награждение орденами, медалями и грамотой республики, присвоение квалификационных и почетных званий республики; решение вопросов гражданства республики и предоставление политического убежища; принятие актов об амнистии и осуществление помилование граждан, осужденных судами



республики и другие. Следует отметить, что в этот период Верховный Совет являясь высшим органом государственной власти вместе с законодательными и контролирующими функциями осуществлял функции издания указов и другие функции исполнения. Верховный Совет учитывая заключение Комитета Конституционного контроля, был в праве отстранить от руководства республикой главу, в случае нарушения им Конституции и законов, путем положительного голосования двух трети из числа народных депутатов.

В этот период у главы государства сформировалось возможность издания обязательных для исполнения всеми указами для управления страной, что являлось важным правовым средством для обеспечения исполнения Конституции и законов. Как отмечает М.М.Миракулов, первый этап ознаменовался институционализацией президентства, но из-за недостаточности его полномочий в решении неотлагательных вопросов требовалось переход к форме президентской республики, в следствии чего возникла надобность в становлении Президентом председателем Правительства [2. С. 47]. Профессор обосновывает свое утверждение тем, что за период с марта 1990 года до ноября 1990 года было издано 74 указа, большая из которых было связано с присвоением государственных наград и социальной защитой.

С принятием Закона Узбекской ССР №156- XII «О совершенствовании структуры исполнительной и распорядительной власти в Узбекской ССР и внесении изменений и дополнений в Конституцию (Основной Закон) Узбекской ССР» от 1 ноября 1990 года начинается **второй этап развития института президентства в Республике Узбекистан**, который продолжался вплоть до **1 января 2008 года**. Данный закон по своей сущности закрепил систему управления государством основанной президентской республике [3. С. 18-19]. Реформы, проводимые в государственном управлении на данном этапе, требовали сосредоточения основных полномочий государства в распоряжении исполнительной власти. Именно вышеуказанный закон способствовал совмещению Президентской власти с исполнительно-распорядительной властью Совета Министров. В нем было отмечено: преобразование Совета Министров Узбекской ССР в Кабинет Министров при Президенте Узбекской ССР; что Президент Узбекской ССР одновременно является Председателем Кабинета Министров; объединение аппарата Президента Узбекской ССР и Совета Министров Узбекской ССР в один аппарат при Президенте Узбекской ССР. Данный закон стал основой для укрепления института президентства и формирования основных полномочий Президента Республики Узбекистан. Мы можем отметить, что полномочия как образование и упразднение министерств и государственных комитетов Республики Узбекистан ранее входившие в компетенции Верховного Совета, право приостановления и отмены актов министерств, государственных комитетов и ведомств, исполнительных комитетов местных Советов народных депутатов Республики Узбекистан в случае несоответствия их Конституции Республики Узбекистан, законам Республики Узбекистан, указам, постановлениям и распоряжениям Президента Республики Узбекистан были переданы Президенту, поскольку он являлся Председателем Кабинета Министров. Также был установлен порядок назначения Вице-президента, первых заместителей, заместителей Председателя Кабинета Министров Республики Узбекистан, состав Кабинета Министров Республики Узбекистан Президентом Республики Узбекистан с последующим утверждением Верховным Советом.

С принятием Конституции Республики Узбекистан 8 декабря 1992 года произошли значительные изменения в правовом статусе Президента, он уже не являлся главой республики в составе государства, а был главой суверенного государства, что дало право для разработки и ведения независимой внутренней и внешней политики [4].

Новая Конституция отменила требования устанавливающее ограничение предельного возраста (до 65 лет) кандидатам на пост президента, действительность выборов в котором участвовало более 50 процентов избирателей, вместе с тем добавились новые требования как свободное владение государственным языком, постоянное проживание на территории Узбекистана не менее 10 лет непосредственно перед выборами, на период исполнения своих обязанностей не правомерность занятия иной оплачиваемой должности, являться депутатом представительного органа, заниматься предпринимательской деятельностью. Также конституционно закрепились неприкосновенность и охраняемость законом личности Президента. Новая Конституция углубила институционализацию президентства



в государственном управлении, усиливая президентскую власть и роль самого Президента.

С вступлением в новое тысячелетие, приобретением практического опыта построения демократически-правового государства, развитием представительных органов и многопартийности, усилением роли институтов гражданского общества и средств массовой информации, развитием независимости судебной ветви власти, государственности, улучшением социально-экономических, политических, культурных уровней населения породили потребность поправления баланса в сильной роли президентской власти и частичной передаче полномочий парламенту и правительству. Референдум состоявшийся 27 января 2002 года стал важным событием в этом направлении на основе которой был принят закон «О внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Узбекистан» от 24 апреля 2003 года, в соответствии с которым предусматривалось формирование двухпалатной структуры Олий Мажлиса, часть полномочий Президента была передана Сенату Олий Мажлиса, кроме того, было исключено положение о том, что Президент является Председателем Кабинета Министров.

Следующим важнейшим событием отмечается принятие Закона «Об основных гарантиях деятельности Президента Республики Узбекистан» от 25 апреля 2003 года [5], согласно которому были отрегулированы отношения в области создания необходимых условий для эффективного осуществления Президентом Республики Узбекистан своих полномочий в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан, а также создания необходимых условий и гарантий Президенту Республики Узбекистан, ушедшему в отставку по истечении конституционного срока полномочий или по состоянию здоровья.

Конституционный Закон Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны» от 11 апреля 2007 года [6] ознаменовал собой конец **второго этапа** и начала **третьего этапа развития института президентства (с 2008 года по настоящее время)**. С ее принятием была исключена норма о том, что Президент является главой исполнительной власти и введено положение, согласно которому Президент Республики Узбекистан является главой государства и обеспечивает согласованное функционирование и взаимодействие органов государственной власти. Исключение данной нормы с конституционно-правового статуса Президента создало возможность главе государства направить свою деятельность для решения наиболее важных стратегических задач. М.М.Миракулов отмечает, что такое положение не повлияло на статус Президента отрицательно, оно наоборот обеспечило верховенство Президента над тремя ветвями государственной власти [2. С. 57].

Следующим шагом в институционализации президентства и демократизации государственного управления на этом этапе стали Закон Республики Узбекистан от 18 апреля 2011 года в котором были внесены изменения и дополнения в статьи 78, 80, 93, 96 и 98 Конституции Республики Узбекистан, а также Закон Республики Узбекистан от 12 декабря 2011 года в котором внесена поправка в часть вторую статьи 90 Конституции Республики Узбекистан. Последняя в свою очередь сократила срок избрания Президента с семи до пяти лет.

Очередные внесёнными изменениями и дополнениями в Конституции Республики Узбекистан стали поправки в статьи 32, 78, 93, 98, 103 и 117 Законом Республики Узбекистан от 16 апреля 2014 года. В данном законе мы можем наблюдать тенденцию демократизации государственного управления, которая выражается в частичном распределении полномочий президента между законодательной и исполнительной ветвью. В этом случае мы также можем отметить, развитие функционирования системы сдержек и противовесов, путем усиления ответственности правительства перед парламентом.

Таким образом, институт президентства в Республике Узбекистан за относительно короткий период времени смогло перейти от некогда неизвестного и чуждого политико-правового института в полноценный институт государственной власти. Данный институт за прошедший период существования по мнению многих отечественных ученых себя оправдал, поскольку за период Независимости и новой государственной формы правления в нашей Республике, была проделана колоссальная работа по улучшению социально-экономического, политико-правового, культурно-просветительского состояния, после кризисного состояния в начале 1990-х годов. Институт главы государства и по сей день обязан возложить на себя ряд существенных задач и полномочий, до того времени, пока в государстве не сформируются



институты гражданского общества, политические партии, которые будут готовы взять на себя ответственность за процветание Родины, за спокойствие и мирное небо над головой, за благополучие народа, а Парламент и Правительство не «осознают задачи, поставленные перед ними, всю ответственность своих решений, потянут свой же груз самостоятельно»[7. С. 244-245].

Список использованной литературы:

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий укув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги буйича таълим олаётган талабалари учун \Бобоев Х Б., Исломов З.М., Чориёров У.; //Масъул муҳаррирлар:Х-Б.Бобоев, ХТ.Одилқриев V-Т.: «Икгисодиёт ва ҳуқуқ. дунёси» нашриёт уйи, 2000. - 528 б. Сарл.олдида.: Узбекистон Республикаси Адпия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти. – С. 110-115.
2. Миракулов М.М. Узбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми (киёсий-ҳуқуқий таҳлил): дисс. ... д.ю.н. – Ташкент, 2016. – 256 с.
3. Аббосходжаев Ш.А. Демократик давлат кулириш шароитида президентлик институтининг ҳуқуқий асослари: дисс. ... к.ю.н. – Ташкент, 2008, – С.18-19.
4. Конституция Республики Узбекистан от 8 декабря 1992 года. <https://lex.uz/docs/35869?ONDATE=09.02.2021%2001>
5. Закон Республики Узбекистан «Об основных гарантиях деятельности Президента Республики Узбекистан» от 25 апреля 2003 года. <https://lex.uz/acts/32999>
6. Конституционный Закон Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны» от 11 апреля 2007 года. <https://lex.uz/docs/1164598>
7. Каримов И.А. Узбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайдди. Т. 13. – Тошкент: Узбекистон, 2005. – С. 244-245.



СУДЬЯНИНГ ОДОБ-АХЛОҚИ ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МУТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Фозилов Шохруҳ Муродуллоевич

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактаби магистранти
Телефон: +99891-333-81-91

Аннотация: Одоб-ахлоқ (этика) - инсон муомаласи доираси ва характери ўртасидаги алоқаларни, инсонийлик сифатининг муҳим белгилари, фазилатларини ўзида намоён қилади, кишиларда одоб-ахлоқ муносабатларининг, тушунчаларнинг, кадриятларнинг, қонуниятларнинг вужудга келишини, уларнинг одамларни бошқаришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганади ва умумлаштиради. Мазкур мақолада судьялар одоб-ахлоқининг одил судловни мустаҳкамлашдаги роли ёритиб берилди.

Калит сўзлар: Этика, судьялар этикаси, судьянинг мустақиллиги, судьянинг ҳалоллиги, судьянинг адолатлилиги.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимиз тараққиётининг стратегик мақсади – демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган адолатли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган эди. Табиийки, бу борада суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ислохотлар, амалга оширилган ишлар тақсинга сазовордир.

Айниқса, судларларнинг касбий фаолиятини амалга оширишлари учун маълум бир талабларни ўрнатиш орқали суд тизимининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва халқнинг судга бўлган ишончини янада оширишга эришилганлиги фикримизга яққол мисол бўла олади.

Зеро, мамлакатимиз биринчи Президенти муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва соҳа кишиларининг масъулиятини ошириш ҳақида бевосита самимият билан “Суд одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён” ҳамда “Суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш зарур”¹ деган ўғитларини амалиётга тадбиқ этиб келинаётганлиги юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилганлигини ўзида яна бир бор намоён этади.

Албатта, юртимизда амалга оширилган юксак ютуқлар, ижтимоий-жараёнлар, суд-ҳуқуқ ислохотларининг босқичма-босқич олиб борилаётганлиги натижасида амалда суд ҳокимиятини ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишга замин яратилди. Бироқ ушбу ютуқларга эришиш билан бир қаторда судларимиз, қолаверса, жамиятда адолат нури таратувчи судьяларимизнинг масъулиятини янада ошириш, уларнинг ушбу шарафли касбга ҳалол ва виждонан ёндашишлари учун бир қатор мажбуриятларни ўз бўйниларига олишлари лозимлигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Зеро, президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳам судьялар олдида қўйилган вазифаларга тўхталиб, “судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлиши керак”² – деб таъкидлаб ўтганликлари ҳам бежиз эмас.

Чунки, судьялик осон касб эмас, аммо у ўзининг одиллиги, инсонпарвар, холис ва беғаразлиги билан ўта шарафли лавозимдир. Ўз навбатида ушбу шарафли лавозимни эгаллаган шахс ўз касбининг билимдони, ҳаётий тажрибага эга бўлган, ҳар томонлама етук, савияси баланд ва ҳуқуқий маданиятли инсон бўлиши керак.

Шу боис, мамлакатимизда судлар ва судьялар олдида қўйилган ана шундай талаблардан бири бу судьяларнинг жамиятда юриш-туриши, маданияти, касбий фаолиятини амалга оширишда ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларидир.

Умуман олганда, одоб-ахлоқ (этика) тушунчаси нафақат суд тизимида, балки юридик

¹ У.Мингбоев “Судьялик – улкан масъулият”, Тошкент – 2014 йил, 9-бет.

² Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. Тошкент, 2020 йил 8 декабрь.



соҳа, қолаверса, жамиятдаги ҳар бир соҳада мавжуд бўлиб, ўзига хослиги билан бир-биридан ажралиб туради. Зеро, ахлоқ бор жойда маънавият шаклланади, иймон, адолат ва халоллик каби туйғулар барқарорлашади.

Дарҳақиқат, одоб-ахлоқ тушунчаси ўзига хослиги билан нафақат ҳозирги кунда, балки қадимги даврлардан шарқ ва ғарб олимлари ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотиб келган.

Одоб-ахлоқ, ахлоқий тафаккурнинг илк ўчоғлари дастлаб қадимги Шарқда вужудга келган бўлиб, Сомир (Шумер), Бобил, қадимги Миср, қадимги Турон ва Эрон, қадимги Ҳиндистонда дастлабки ахлоқий ғоялар пайдо бўлган. Шунингдек, қадимги Юнон ва Рим мутафаккирлари яратган ахлоқий назариялар, ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида илгари сурилган ахлоқий қарашлар, айниқса, Темур ва Темурийлар даврида ахлоқшуносликка алоҳида эътибор берилган.

Хусусан, одоб-ахлоқ (этика) тушунчаси ҳақида қадимги юнон файласуфи Арасту ҳам ўзининг “Этика” номли асарида ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, хусусиятлари ва жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. Шунингдек, шарқ мутафаккирлари ва давлат арбоблари ҳам ахлоқ тўғрисида кўплаб қимматли фикрларни билдирганлар. Улардан Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри” асарида, Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида, Кайковус “Қобуснома” асарида, Амур Темур “Темур тузуклари”да, кўплаб асарларида давлат раҳбари, вазирлар, қозилар ахлоқи ҳақида ибратли сўзларни келтирган.

Марказий Осиёда Уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри” асарида бу шахарга ҳоким бўладиган одам шу шахар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн икки хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, деган эди.¹

Ушбу ўн икки хислат деганда, аллома энг аввало соғ-саломат бўлишни, сўнг фаҳм-фаросатли, кучли хотирли, ўткир зехнли, ширин сўз, билимга чанқоқ, нафси жиловланган, адолатли, ориятли, мол-дунёга ружу қуймаган, холис ва қатъиятли бўлишни назарда тутган. Яъни бугунги кунда судьяларимиздан талаб этиладиган фазилатлар ҳам Фаробий ўз асарида айтиб ўтган хислатларни мукамал эгаллаган судьягина ҳақиқий комил инсон сифатида халқнинг меҳрини ва ишончини тўлиқ қозона олади.

Шу ўринда судьянинг қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги атрофлича ёритиб берилган Кайковуснинг Қобуснома асарини алоҳида эътироф этиш жоиз. Асарнинг “Илм талаби ва қозигарлик зикрида” деб номланган бобида ёзувчи шундай сатрларни баён қилади:

“Эй фарзанд, агар донишмандликда баланд даражага етиб, қози бўлсанг, оҳиста ва тамкин бўлғил ва тез фаҳм, соҳиби тадбир, пешбин (олдиндан кўрувчи), мардумшунос (одамларни текшира олувчи) ва соҳиби сиёсат бўлғил, ҳар гуруҳнинг урф-одатидин, йўл-йўригидин хабардор, ҳар қавмнинг мазҳабидин огоҳ бўлғил. Керакдурким, қозилик хийлалари сенга маълум бўлғай. Агар бир вақт бир мазлум олдинга келса, унинг гуноҳи бўлмаса ва зулм этиб, унинг ҳаққи бекор кетар бўлса, ул мазлумнинг фарёдига этғил ва тадбир юзидан ул мустаҳикқа ҳақкин эткурғил”.²

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг 943-944 йилларда битилган “Бухоро тарихи” асарида “мен Абдуллоҳ Муборакдан эшитдимки, Себавайҳ Бухорода қозилик қилганида халқнинг икки дирҳамига ҳам адолатсизлик қилмади, икки дирҳам кўплик қилади, у тариқча ҳам жавр ўтказмади” деб ёзади.³

Мухтасар қилиб айтганда, Шарқ мутафаккирлари ўзига хос Ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш асосида инсонпарварлик тўғрисидаги миллий ва умумбашарий қадриятлар ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Юридик соҳанинг асосий касблари ҳисобланган судья, прокурор ёки терговчи касбий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари шу қадар ўзига хос ва шу қадар сезиларли даражада одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қиладики, бу фаолиятнинг ахлоқий мазмунига таъсири жиҳатидан алоҳида хусусиятни талаб қилади.

¹ Исмаилов Б.И. Юристининг касбий этикаси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019-йил. 7-бет.

² Исмаилов Б.И. Юристининг касбий этикаси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019-йил. 8-бет.

³ Мингбоев У.Қ. Суд шундай ҳокимиятки. - Т., 1999. - В.23.



Хусусан, судьянинг фаолияти бошқарув хусусиятига эга бўлиб, мустақил қарор қабул қилиш ваколатини амалга оширади. Унга жамият, давлат ва фуқароларнинг манфаатларини турли тажовузлардан ҳимоя қилиш учун муайян ваколатлар берилади ва бошқа кишилар билан расмий мулоқотга киришганда уларни давлат номидан фаолият олиб бораётганлиги яққол намоён бўлади.

Судьянинг ҳаракатлари ва қарорлари фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир кўрсатганлиги боис, ушбу касб эгалари ахлоқ принциплари ва нормаларига қатъий риоя қилиши керак. Чунки давлат вазифаларини бажариш юксак бурч ҳиссини талаб қилади. Бошқаларнинг тақдирини ҳал қиладиган одамларда ўз қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизликлари учун жавобгарлик ҳисси юқори бўлиши лозим. Уларнинг барча расмий фаолияти қонун билан батафсил ва изчил тартибга солинганлиги бу касбнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг ахлоқий мазмунида чуқур из қолдиради. Судья томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолиятга ўхшаш қонун билан батафсил тартибга солинадиган касбий фаолиятнинг бошқа соҳаси йўқ. Чунки судьянинг ҳар бир ҳаракат ва қарорлари атрофлича ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинган ва қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилинган ҳолда қабул қилиниши, ушбу касбнинг нақадар машаққатли ва масъулият талаб этишини яққол намоён этади.

Шу боис, судьянинг фаолияти ахлоқий меъёрларга мос бўлиши, уларда бурч, масъулият, адолат туйғуси каби юксак сифатлар мавжуд бўлиши лозимлигига кўра, ушбу касб бошқа касбларнинг ахлоқ қоидаларидан ажралиб туради.

Судьянинг одоб-ахлоқи бу унинг хатти-ҳаракатини, шу жумладан, унинг ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини бошқарадиган ўзига хос меъёр ва қоидалар мажмуидир.

Суднинг фаолияти судьялар томонидан суд этикасига риоя этилмасдан амалга оширилмайди, чунки бу фаолият яхши йўлга қўйилган ҳуқуқий-ахлоқий талабларга асосланади. Судья этикасининг ўзига хослиги ҳам шунда бўлиб, у мажбурийдир, яъни суд тизимида фаолият олиб бораётган барча судьялар унинг нормалари ва тамойилларига риоя қилишлари керак.

Рус олими ва ҳуқуқшуноси А.Ф.Конининг фикрига кўра, судья ва суд ходимининг фаолиятида ҳуқуқий ва ахлоқий талаблар бирлаштирилиши керак ва у томонидан амалга ошириладиган буюк ишлар қонун талаблари билан бир қаторда одоб-ахлоқ тўғрисидаги қонунларнинг шартсиз ва абадий талабларини ҳам бошқариши лозим.¹

Шу ўринда гап судьянинг касбий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ талаблар хусусида кетар экан, албатта бу борада судьянинг адолатлилиги ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Чунки инсон қадр-қимматини эъзозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Хаттоки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилинишини фақат ваколатли ва мустақил адолат билан таъминлаш, адолат ва холислик тамойиллари асосида амалга ошириш халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларида ўз аксини топган. Бундай адолат ҳар бир судьянинг касб этикаси қоидаларига риоя қилиши, ўз вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши, ўз шаъни ва қадр-қимматини намоён этишни ўз ичига олади.

Бу борада Алишер Навоий бобомиз “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун “адл қасри”, яъни “адолат кўрғонини” бунёд эт”, деб айтган сўзларини ёдга олиш ўринлидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Адолат кўрғони қачон пайдо бўлади? Қачонки суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин.”² – деб таъкидлаганликлари судьянинг фаолиятида адолат мезони нечоғлик муҳим аҳамият касб этишига яққол мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, инсоният тарихида макон ва замон танламайдиган энг олий мезонлардан бири — бу, шубҳасиз, адолатдир. Зеро, адолат устувор бўлган жойда фаровонлик ҳукм суради, тараққиёт бўлади, эртанги кунга ишонч ортади, юртга файзу барака келади, одамларда

¹ Носков, И. Ю. Профессиональная этика юриста: учебник для бакалавриата и специалитета / И.Ю.Носков. – М. : Издательство Юрайт, 2019 г. Ст. 92.

² Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. Тошкент, 2020 йил 8 декабрь.



меҳр-оқибат кучаяди, халқнинг орзу-истаклари рўёбга чиқади. Замонлар ўтса-да адолатли раҳбарларни халқ ҳамиша хотирасида сақлайди. Чунончи, адолат ва ҳақиқатга интилиш, адолатли жамиятда яшаш ҳар бир халқнинг асрий орзуси бўлиб келган.

Албатта, бу борада мамлакатимизнинг бош қомуси ҳисобланган Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 66-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, “судьялар ўз ваколатлари доирасида ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя этиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, беғараз ва адолатли бўлиши шарт”¹ эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки юртимизда судьялар корпусининг мақомини белгилаб берувчи мазкур қонун ҳужжатлари судьянинг одил судловни амалга ошириши учун нечоғлик ҳолис ва адолатли бўлиши лозимлигини бевосита белгилаб берган.

Шунингдек, судьянинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ касбий фаолиятида ва хизматдан ташқари вақтда мажбурий бўлган, судьянинг юксак одоб-ахлоқ талабларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари қоидаларига, одил судлов ва судьялар одоб-ахлоқи соҳасидаги халқаро стандартларга асосланган ҳулқ-атвор қоидаларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгашининг 2018 йил 29 январдаги қарори билан тасдиқланган “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси”ни ҳам назардан четда қолдирмаслик зарур.²

Мазкур Кодекс Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 13 июнь куни суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифа ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек, судьялар одоб-ахлоқини тартибга солиб турувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, судьянинг ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши, судьянинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳамда умуман суднинг нуфузини сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Кодекса судьялар қатъий риоя қилиши лозим бўлган муҳим баъзи бир қоидалар, жумладан, Кодексага риоя этиш судьянинг қалб амри, ҳаётининг қоидаси бўлиши, жамиятнинг суд тизимига, одил судлов малакали, мустақил, ҳолис ва адолатли тарзда амалга оширилаётганлигига бўлган ишончини мустаҳкамлашга кўмаклашиши кераклиги, судья юксак маънавий-ахлоқий савияга ва малакага эга бўлмасдан судьялик ваколатларини амалга оширишга ҳақли эмаслигини доимо ёдда тутиши шартлиги, судья одил судловни амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг суд томонидан ҳимоя қилиниши суд ҳокимияти органлари фаолиятининг мазмуни ва моҳияти эканлигини унутмаслиги лозимлиги, судья ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ва кадр-қимматини сақлаши, одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиши, камтар, хушмуомала бўлиши ҳамда қўполликка йўл қўймаслиги шартлиги, судьянинг фаолиятига халқнинг ўзи баҳо беришини судья доимо ёдда тутиши лозимлиги ҳамда судья ўз мажбуриятларини адолатли, тезкор, виждонан ва юқори профессионал даражада бажариши кераклиги белгилаб берилган.

Судьянинг Кодекс қоидаларига сўзсиз риоя қилиши, ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши судьянинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳамда суднинг нуфузини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши эса одил судловни юритиш сифатига, адолатлилик ва қонун устуворлиги принципларининг таъминланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Бу эса “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил судьялар корпуси фаолиятида ҳам устуворлик касб этаётганидан далолатдир. Ушбу кодекс ҳар бир судьянинг конституциявий нормаларга ва қонунларга риоя қилишини, ўз фаолиятини адолат ва ҳолислик принципларига асосланиб амалга оширишини назарда тутди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни, 66-модда. Lex.uz сайти.

² Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси, 1-модда. <https://sudyalaroliykengashi.uz>



Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш суд ҳокимиятининг устувор вазифаси ҳисобланади. Албатта, ашбу вазифаларга одил судловнинг ва судьяларнинг мустақиллигини, адолатлилигини, холислилигини, беғаразлилигини ва лаёқатлилигини таъминлаш орқали эришилади.

Шу боис, мамлакатимизда судьялар корпусини шундай шакллантириш керакки, ҳар бир судья ушбу шарафли касбга эга бўлган заҳоти судьялик ваколатини амалга оширишга ҳақлилигини ва судьялик мақомига муносиблигини ҳис этган ҳолда жамият ва давлат олдидаги мажбуриятларини ҳар томонлама адо этиши лозим.

Шу ўринда ҳурматли устозимиз У.Мингбоевнинг қуйидаги жумлаларини ёдга олиш лозим: “Судьялик осон эмас, аммо у ўзининг одиллиги, инсонпарвар, холис ва беғаразлиги билан ўта шарафли лавозимдир.”¹

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ўз касбининг билимдони, ҳаётий тажрибага эга бўлган, ҳар томонлама етук, савияси баланд ва ҳуқуқий маданиятли шахслардан иборат судьялар корпусини тўлиқ шакллантириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланса, халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлашга ҳамда суд ҳокимиятини том маънода “Адолат қўрғони”га айлантиришга эришилади.

¹ У.Мингбоев “Судьялик – улкан масъулият”, Тошкент – 2014 йил, 8-бет.



БМТНИНГ ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ТАТБИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Умаров Шаҳбоз Усмонович
Бош прокуратура академияси
магистратураси тингловчиси
Тел: 91.250-56-56
bek.usmanovic@gmail.com

Аннотация: мазкур тезисда порахўрлик жинояти учун жавобгарликни назарда тутуви халқаро стандартлар таҳлили қилиш орқали миллий қонунчилигимизнинг қай даражада мувофиқлиги ўрганилган. Шунингдек, амалиётда мазкур турдаги жиноятлар учун жавобгарликка тортишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: порахўрлик жиноятлари, актив ва пасив порахўрлик, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органи мансабдор шахси, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, учинчи шахс манфаати учун пора, номоддий наф.

ВОПРОСЫ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ООН ПО БОРЬБЕ СО ВЗЯТОЧНИЧЕСТВОМ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЕ

Аннотация: В этом тезисе исследуется адекватность нашего национального законодательства посредством анализа международных стандартов ответственности за взяточничество. На практике разработаны рекомендации по проблемам уголовного преследования за этот вид преступлений и пути их решения.

Ключевые слова: преступления со взяточничеством, активный и пассивный подкуп, должностное лицо законодательного, исполнительного, административного или судебного органа международной организации или иностранного государства, посредничество во взяточничестве, подкуп в пользу третьего лица, нематериальная выгода.

ISSUES OF IMPLEMENTATION OF UN INTERNATIONAL STANDARDS ON BRIBERY IN NATIONAL LEGISLATION

Annotation: This thesis examines the adequacy of our national legislation through an analysis of international standards for liability for bribery. In practice, recommendations have been developed on the problems of prosecution for this type of crime and their solutions.

Keywords: bribery crimes, active and passive bribery, an official of a legislative, executive, administrative or judicial body of an international organization or a foreign state, mediation in bribery, bribery for the benefit of a third party, intangible benefit.

Порахўрлик жиноятлари Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида алоҳида аҳамият касб этишини аҳолининг давлат хизматчиларига нисбатан ишончини сусайтириб юборадиган, жамиятнинг иқтисодий негизларига зарар етказадиган ва энг асосийси инсон ҳуқуқларининг поймол бўлишига олиб келадиган ижтимоий хавфли қилмиш эканлиги билан баҳолашимиз мумкин.

Мазкур турдаги жиноятлар содир этилишини камайтириш, олдини олиш, жавобгарликнинг муқаррарлигига қаратилган чоралар нафақат миллий қонунчилигимизда, балки халқаро миқёсда ҳам алоҳида стандартларни назарда тутувчи конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатларда белгилаб берилган.

Порахўрлик жинояти ва унинг жазо чораси белгиланишини назарда тутган стандартларни ўзида акс эттирган асосий халқаро ҳужжат бу – БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси бўлиб, ушбу ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 2003-йил 31-октябрдаги 58/4-сонли



Қарори¹ билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси 07.07.2008 йилдаги қонун билан қўшилган мазкур Конвенцияда порахўрликка оид қўйидаги стандартларни кўришимиз мумкин:

Конвенциянинг 15-моддасида мансабдор шахсларга пора бериш ва мансабдор шахсларнинг пора олиши ҳақида сўз борган бўлса, кейинги 16-моддада хорижий оммавий мансабдор шахсларга ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларининг порахўрлигига оид норма келтирилган.

Милиий қонунчилигимизда порахўрлик билан боғлиқ ҳаракатлар учун маъмурий ва жинойий жавобгарлик белгилаб берилган (Ўз.Рес. МЖТКнинг 61¹, 193¹-моддалари ва ЖКнинг 192⁹-192¹⁰ ва 210-214-моддалари).

Шунингдек, Жиноят кодексига, порахўрликка қўйидагича таъриф берилган бўлиб, унга кўра: порахўрлик – пора олиш, пора бериш ва бу жиноятларда воситачилик қилиш.² Ушбу жиноят давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси ва хизматчининг мулкӣ (моддий) манфаатдор бўлиши орқали қонунга пора бераётган шахснинг манфаатлари учун қонунга хилоф ҳаракат қилишидир.

Конвенциянинг юқорида келтирилган нормалари миллий қонунчилигимизда тўлиқ камраб олинмасдан, фақатгина мансабдор шахс атамаси замирида камраб олинган. Яъни, Жиноят кодексининг 8-бўлимида “Мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс” сифатида эътироф этилган.

Афсуски, мансабдор шахс атамасига халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунчаларининг қўшиб қўйилиши ушбу жиноятни содир этилганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўлмайди.

Чунки, ЖКнинг 210-214-моддалари диспозициясида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг пора олиш билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатари учун жавобгарлик назарда тутилган. Аммо, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органи Ўзбекистон Республикаси давлат органи ҳисобланмаслиги сабабли, унда ишлаётган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг мансабдор шахслари сифатида баҳолаб бўлмайди. Шунга кўра, **халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органи мансабдор шахслари** учун жавобгарликни ЖКнинг порахўрликка оид мавжуд моддаларига қўйиш ёки алоҳида янги модда билан тўлдириш орқали бартараф этиш таклиф этилади.

Бундан ташқари порахўрлик жинояти содир этилишида пора олувчининг ўз шахсий манфаати учунгина ноқонуний ҳаракат қилиши назарда тутилган. Аммо, ушбу амалиётни халқаро стандартларга мувофиқ дея олмаيمиз. Чунки БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида порахўрлик жинояти фақатгина пора олувчининг эмас, балки бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳам содир этилиши мумкинлиги кўрсатилган. Шунга кўра, Жиноят кодексининг порахўрликни назарда тутувчи моддаларига **ўзга жисмоний ёки юридик шахсларнинг манфаатини кўзлаб** пора олиш ёхуд пора беришни назарда тутувчи қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Конвенцияда хусусий секторда содир этиладиган порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик белгиланишини кўзда тутувчи нормалар мавжуд. (21-моддаси)

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига Жиноят кодексининг 1929-моддаси “Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш” ёки 19210-моддами “Нодавлат

¹ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (31.10.2003) https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (электрон манба) <https://lex.uz/docs/111453>



тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш” жиноятлари учун жавобгарликнинг белгиланганлида кўришимиз мумкин.

Аммо, Жиноят кодексининг мазкур моддаларини халқаро стандартларга тўлиқ мослаштиришимиз учун уларнинг диспозициясига пора предметини шахсан ўзи ёки **воситачилар орқали** олишини назарда тутувчи кўшимча киритиш лозим бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сон қарорига кўра, “пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулккий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин”¹.

Аммо, таъмиргирлик ниятида пора олувчининг нафақат мулккий манфаатдор бўлиши балки, унинг **номоддий кўринишдаги манфаат** (лавозимини ошириш, жинсий хизмат кўрсатиш) олишини ҳам порахўрлик сифатида баҳолаш лозим бўлади.

Порахўрлик жинояти содир этилишининг олдини олиш ва уни камайтиришда жазо чораларини кучайтириш ҳам ижобий аҳамият касб этишини инobatга олган ҳолда ушбу қилмишлар учун маъмурий жавобгарликни истисно этиб, **фақатгина жиноий жавобгарлик** ўрнатилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, порахўрлик жинояти сифатида пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми а) банди, яъни “ҳақ эвазига”² жинояти содир этилса, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши белгиланган. Раҳбарнинг топширигини бажариш орқали пора олиш-беришда воситачилик қилиш ва натижада раҳбар томонидан пора предметининг бир қисмидан мукофот олиш жиноятни оғирлаштирувчи ҳолати сифатида баҳоланиши қанчалик тўғри?

Шунга кўра, қилмишни ҳақ эвазига пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти сифатида баҳоланиши учун **олинган ҳақнинг миқдорига қаралиши** (ҳақ жуда кам миқдорда бўлса, модданинг биринчи қисми билан квалификация қилиш) мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки жиноятдан асосий наф олганлар қолиб, арзимаган наф учун шахснинг оғирлаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи қисми билан жазоланиши адолатсизлик ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, порахўрлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи миллий қонунчилигимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш орқали бу борадаги муаммоларни бартараф этиш билан бир қаторда, бу давлатнинг халқаро ўринларда юқори натижаларни эгаллашига ҳам ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (31.10.2003) https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (электрон манба) <https://lex.uz/docs/111453>
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленумининг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/1449106>
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (электрон манба) <https://lex.uz/docs/111453>

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленумининг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/1449106>

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (электрон манба) <https://lex.uz/docs/111453>



INSON HUQUQ VA ERKINLIKLARINING KAFOLATLARI

Abduqodirova Charos Ibroximovna

Namangan viloyati Pop tumani

23-sonli umumta'lim maktabi

Huquq fani o'qituvchisi

Tel:+998943097525

Annotatsiya: Ushbu maqolada umumta'lim muaasasalarida huquq fani jarayonida inson huquqi va erkinliklarini kafolatlari, shuningdek, huquq va erkinliklarni o'quvchilar ongiga singdirish usullari haqida fikrlar bildiriladi.

Kalit so'zlar: Huquq, erkinlik, konstitutsiya, sud, prokuratura organlari, IIV organlari, advokatura, Ombudsman, fuqarolarning huquqlari.

Inson huquq va erkinliklari haqidagi bilimlarni umumta'lim maktablarining Konstitutsiyaviy huquq asoslari fani jarayonida o'rganib boriladi. Ushbu fanda O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyasining moddalarini o'rganilishi ko'zda tutilgan. Dars jarayonlarida har bir moddalar ustida alohida bilim, ko'nikma, malaka hosil qilish uchun sa'yi-harakatlar amalga oshiriladi. Buning uchun yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

1.O'z huquqlarini himoya qilish uchun qayerga murojaat qilish kerak?

2.Inson huquqi va erkinligi kafolatlari.

3.Inson huquqlari himoyasi bo'yicha milliy institutlar.

Afsuski, inson ayrim hollarda kamsitish va haqoratlarga duchor bo'ladi. Inson huquqlariga putur yetkazilgan barcha hollarda u o'z huquqlari himoya qilinishiga ehtiyoj sezadi. Hozirgi kunda qonunlari, sud va huquq –tartibot organlari orqali davlat ana shunday himoyachi rovida namoyon bo'ladi.

Har bir shaxsga o'z huquq va erkinliklarini sud orqali himoya qilish, davlat organlari, mansabdor shaxslar, jamoat birlashmalarining g'ayriqonuniy xatti-harakatlari ustidan sudga shikoyat qilish huquqi kafolatlanadi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 44-modda.

Ushbu huquq malakali yuridik yordamga muhtoj bo'lgan har bir odam advokatga murojaat qilib, ana shunday yordamdan foydalanishi mumkinligini nazarda tutadi.

Inson huquqlari va erkinliklariga rioya etish O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyaviy tuzumining asosidir. Huquqiy davlatda inson huquqlariga rioya etilishini kafolatlovchi ko'pgina usullar mavjud bo'ladi. ular orasida alohida o'rin sud himoyasiga tegishlidir. Bu himoya shaklidan har bir odam foydalanishi mumkin. Buning uchun sudga sud muhokamasi uchun asos bo'lib xizmat qiluvchi ariza bilan murojaat qilishi kifoyadir. Sudya ish faoliyati davomida xolis bo'lishi, ya'ni o'zining shaxsiy simpatiya va antipatiyasidan baland turishi, korrupsiyaga yo'l qo'ymasligi lozim. Hech kim, hattoki, hokimiyat va oliy boshqaruv organlari ham sud faoliyatiga aralashishi mumkin emas. Bundan tashqari inson huquqlari va erkinliklarini Prokuratura organlari, IIV organlari, Advokatura, Jamoat birlashmalari, kasaba uyushmalari ham himoya qiladilar.

O'zbekiston mustaqil rivojlanish yillarida inson huquqlarini himoya qilish bo'yicha inson huquqlari himoyasi mexanizmi kengaytirishga yo'naltirilgan yangi milliy institutlar tashkil qilindi. Ular jumlasiga quyidagilar kiradi:

-Oliy Majlisning inson huquqlari bo'yicha Vakillik instituti-Ombudsman;

-O'zbekiston Respublikasi Inson huquqlari bo'yicha milliy markaz.

Inson huquqlari bo'yicha Vakillik organi-Ombudsman 1995-yilda qonun chiqaruvchi hokimiyat tizimida, ya'ni Oliy Majlis huzurida tashkil qilingan bo'lib, sudlovchi sanalmaydi. Ombudsman davlat organlari tomonidan inson huquqlariga rioya etilishi ustidan parlament nazoratini amalga oshiradi. Ombudsman huzurida konstitutsiyaviy huquq va erkinliklarga rioya etilishi bo'yicha komissiya tuzilgan. U fuqarolar va tashkilotlardan o'z nomiga kelgan murojaatlarni ko'rib chiqadi.

Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi 1996-yil 31-oktabrda ijroiya hokimiyati tizimi tarkibida tashkil qilingan. U mamlakatda huquqni himoya qilish faoliyatini tashkil etuvchi davlat tashkiloti hisoblanadi.

Inson huquqlari bo'yicha Milliy markazi inson huquqlari sohasidagi davlat siyosatini samarali amalga oshirishga, ushbu sohada O'zbekiston Respublikasi xalqaro majburiyatlarini bajarish bo'yicha davlat organlari faoliyatiga ko'maklashadi. Ushbu markaz o'z oldidagi o'ta dolzarb



sanalgan milliy harakat rejasini tuzish, Konstitutsiyamiz, qonunlar va inson huquqlari sohasidagi umume'tirof etilgan xalqaro huquq me'yorlari qoidalarini amalga oshirish strategiyasini ishlab chiqish, shuningdek inson huquqlari bo'yicha jamoat birlashmalariga maslahatlar berish, inson huquqlarini rag'batlantirish va muhofaza qilishning turli jihatlari yuzasidan tadqiqotlar o'tkazish kabi vazifalarni muvaffaqiyatli ado etib kelmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Huquq darsligi. 9-sinf. 2019-yil
2. O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi. 2018-yil



“STREET LAW” LOYIHASI AMALDA

Azimov Asliddin Karimovich

O‘zbekiston Respublikasi Buxoro viloyati
Yuridik texnikumi DHF 1/20 talabasi
<< Street law >> loyihasining volontyori
+99891 977 77 13

Annotatsiya: Yuridik ta’lim muassasalari talabalari tomonidan maktab o‘quvchilariga volontyorlik asosida kundalik hayotda eng zarur bo‘lgan huquqiy bilimlarni interaktiv usullar orqali o‘qitishga qaratilgan dasturning mohiyatini ochib berish.

Glosariy: Street law, koordinator, volontyor, interaktiv, huquqiy ong, iste’molchi huquqi, soft skills, ko‘nikma.

“STREET LAW” LOYIHASI- 1972 yil – Georgetown University Law Centre professorlari tashabbusi bilan tashkil etilgan ushbu loyiha 1996 yil – “Street Law” mustaqil tashkilotga aylandi.

Street Law – yuridik ta’lim muassasalari talabalari tomonidan maktab o‘quvchilariga volontyorlik asosida kundalik hayotda eng zarur bo‘lgan huquqiy bilimlarni interaktiv usullar orqali o‘qitishga qaratilgan dastur. Ushbu loyihaning maqsadi aholining huquqiy ongi va madaniyatini oshirishdan iborat bo‘lib, jamiyatda huquqbuzarliklarning oldinini olishga qaratilgan. Street law dunyoning 45 ga yaqin mamlakatlarini o‘z ichiga qamrab olgan mukammal dasturdir. Loyihaga oid ta’lim jarayonida “Interaktiv” mashg‘ulotlarni qiziqarli va quvnoq tarzda olib borish, “Ko‘nikmalarni rivojlantirish” fikrlash, muhokama etish va xulosa qilishga o‘rgatiladi. Loyihani asosan volontyorlar ishtirokida amalga oshiriladi, koordinatorlar volontyorlarga yo‘nalish berish orqali ishni muvofiqlashtirib boradilar. Loyihada ishtirok etishning o‘ziga yarasha salbiy va ijobiy jihatlari mavjud bo‘lib, qiyinchiliklar quyidagilar: Yo‘l xarajatlari volontyor hisobidan, tushlik uchun xarajatlar volontyor hisobidan, Universitetdagi o‘qish va loyihani barobar olib borishda vujudga kelishi mumkin bo‘lgan stress, o‘smir yoshdagi maktab o‘quvchilari bilan ishlash, tashkiliy masalalarda maktab rahbariyati va o‘qituvchilari bilan duch kelishi mumkin bo‘lgan ziddiyatlardan iborat. Ijobiy jihatlarga esa loyihada ishtirok etish davomida darslarda ishtirok etmaganlik uchun “NB” qo‘yilmasligi, insonlar bilan muomala qilish va ishlash orqali hayotiy tajriba orttirish imkoniyati, omma oldida nutq so‘zlash orqali nutq madaniyatini rivojlantirish imkoniyati, Amerikalik trenerlar tomonidan o‘tkaziladigan treninglarda ishtirok etish imkoniyati, Sankt-Peterburg maktablarda qatnashish, xorijiy mamlakatlarning grantlarida eshtirok etish uchun stajga ega bo‘lish, yumshoq ko‘nikmalarni (“Soft skills”) rivojlantirish imkoniyatiga ega bo‘lishadi. “SOFT SKILLS”lar ko‘proq insonlar o‘rtasidagi muomalada kerakli bo‘lgan malaka va ko‘nikmalar tizimidir. “Street law” loyihasi jamiyatimizda eng birinchi navbatda o‘ziga kelayotgan yosh avlodni kelajakdagi huquqbuzarliklarini oldinini olishga qaratilgan mukammal dasturdir. <<STREET LAW>> dasturi yuzasidan loyihaning Buxoro viloyati kordinatori Gulamova Dilafuz tomonidan Buxoro viloyat yuridik texnikumining 54-nafar volaontyorlari ixtiyoriy ravishda Buxoro viloyat 2-son umumta’lim maktabi, 4-Idum, 7-Idum, 42-Idum, Buxoro tuman 1--son umumta’lim maktab, Jondor tuman 9-son umumta’lim -maktab, Shofirkon tuman 11-son umumta’lim -maktab, Vobkent tuman 24-son umumta’lim -maktablardavolontiyorlar tomonidan Buxoro viloyat kordinatori D.Gulamova boshchiliklarida dastur rejasiga muvofiq 7 ta mavzu bo‘yicha interaktiv usullar asosida darslar olib borilishi amalga oshirilmoqda.

Inson huquqlari: Inson huquqi — shaxsning hayotiy ehtiyoji, yashashi, komil topishi uning jamiyat, davlat va boshqa shaxslar bilan aloqasi uchun zarur bo‘lgan xususiyatlari.

Iste’molchi huquqlari: Iste’molchilarning huquqlarini himoya qilish sohasida samarali siyosatni amalga oshirish iste’molchilar huquqlarini himoya qilish milliy tizimining tarkibiy qismi bo‘lgan davlat boshqaruv organlari, tadbirkorlik sub’yektlari va jamoat tashkilotlarining rivojlanishiga hamda ular o‘rtasida o‘zaro hamkorlikning mavjudligiga chambarchas bog‘liq. Iste’molchilar huquqlarini himoya qilish milliy tizimini yaratish davlatning ichki siyosati hisoblanib, ko‘plab omillar, shu jumladan, huquqiy rivojlanish, ijtimoiy-iqtisodiy holat, urf-odatlar va huquqiy madaniyat darajasi muhim ahamiyat kasb etadi.

Mehnat huquqi: Mehnat huquqi, shartnoma va kelishuvlar, mehnat shartnomasi, mehnat intizomi, mehnat nizolari, mehnat muhofazasi, mehnat nizolari komissiyasi, ish vaqti, dam olish



vaqti, mehnat ta'tili.

Жиноят ҳуқуқи : ҳуқуқ тизимining bir tarmog'ı; oliy davlat hokimiyati organi tomonidan o'rnatilgan, qonun bilan qo'riqlanadigan, ijtimoiy munosabatlar uchun xavfli bo'lgan tajovuzlarning jinoyat ekanligi va jazoga loyiqqligini, jazo choralarini tayinlash shartlari va tartibini hamda jinoyiy javobgarlikdan va jazodan ozod qilishni belgilaydigan huquqiy me'yorlar yig'indisi.

Oila huquqi: Oila jamiyatning tabiiy va asosiy hujayrasidir. U qancha mustahkam bo'lsa, jamiyat ham shuncha mustahkam va tez rivojlanadi. Jamiyatimiz asosi-oila moddiy va ijtimoiy jihatdan mustahkamlanmoqda.

Korrupsiyaga qarshi kurashish: Mazkur yo'nalishdagi islohotlarni amalga oshirish davomida milliy qonunlarga xalqaro huquqning umume'tirof etilgan normalarini singdirish masalasiga alohida e'tibor berildi va bu munosabat 2008 yilda qabul qilingan «Birlashgan Millatlar Tashkilotining korrupsiyaga qarshi konvensiyasiga (Nyu-York, 2003 yil 31 oktyabr) O'zbekiston Respublikasining qo'shilishi to'g'risida»gi Qonunda o'z aksini topdi.

Atrof muhitni himoyalash: tabiat va uning boyliklaridan oqilona foydalanishga, tabiatni inson manfaatlarini ko'zlab ongli ravishda o'zgartirishga, tabiat boyliklari va umuman tabiatni, uning go'zalligi, musaffoligini saqlab qolishga va yanada boyitishga qaratilgan barcha tadbirlar majmuasi. Tabiatni muhofaza qilishq. tadbirlari majmuasiga davlatlar, xalqaro tashkilotlar, jamoat, ilmiy-texnik, ishlab chiqarish., iqtisodiy va ma'muriy tashkilotlar, har bir odam tomonidan amalga oshiriladigan tadbirlar kiradi.



KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH AGENTLIGI –TARRAQQIYOT STRATEGIYASI

Boymurodova Maxbuba

Adliya vazirligi Buxoro viloyati Yuridik texnikumi
“Ommaviy-huquqiy fanlar” kafedrasini oq’ituvchisi

Annotatsiya: O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi zimmasiga yuklatilgan asosiy vazifalarning mohiyatini ifodalashni o‘rgatish.

Glossariy: Korrupsiya, Agentlik, xolislik, hisobdorlik, komplayens-nazorat, OAV, davlat xaridlari.

Korrupsiyani oldini olish va unga qarshi kurashish sohasida davlat siyosatini shakllantirish va amalga oshirish, davlat organlari, ommaviy axborot vositalari, fuqarolik jamiyati institutlari va boshqa nodavlat sektor vakillarining birgalikdagi samarali faoliyatini ta’minlash, shuningdek, mazkur sohadagi xalqaro hamkorlik uchun mas’ul bo‘lgan maxsus vakolatli davlat organi hisoblanadi. Agentlik faoliyatini **qonuniylik, xolislik, hisobdorlik, ochiqlik va shaffoflik prinsiplari** asosida boshqa davlat organlari, tashkilotlar va ularning mansabdor shaxslaridan mustaqil ravishda amalga oshiradi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentiga bo‘ysunadi va Oliy Majlis palatalari oldida hisobdordir; O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan lavozimga tayinlanadigan va lavozimdan ozod etiladigan direktor tomonidan boshqariladi. Prezidentning Agentlik direktorini lavozimga tayinlash va ozod qilish to‘g‘risidagi farmonlari Oliy Majlis Senati tomonidan tasdiqlanadi.

Agentlikning asosiy vazifalari va faoliyat yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

- korrupsiya holatini tizimli tahlil qilish, korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar sodir etilishining sabab va shart-sharoitlarini aniqlash;

- korrupsiyani oldini olish va unga qarshi kurashish sohasidagi davlat siyosatini, korrupsiyaga qarshi kurashish choralarning samaradorligini oshirishga qaratilgan davlat va boshqa dasturlarni shakllantirish va amalga oshirish;

- jamiyatda korrupsiyaning barcha ko‘rinishlariga murosasiz munosabatni shakllantirish; korrupsiyani oldini olish va unga qarshi kurashish sohasida vazirlik va idoralarning faoliyatini muvofiqlashtirish, OAV, fuqarolik jamiyati institutlari va boshqa nodavlat sektor vakillarining ushbu masalalar bo‘yicha birgalikdagi samarali faoliyatini tashkil etish; davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari, davlat korxonalari va ustav kapitalida davlat ulushi bo‘lgan korxonalar, shu jumladan banklarda korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tizimi (“komplayens-nazorat”) hamda korrupsiyaga qarshi kurashishning boshqa xalqaro vositalarini joriy etish, ularning mazkur sohadagi faoliyati bo‘yicha reytingini tuzish; normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizasi samaradorligini ta’minlash; davlat xizmatchilarining daromad va mol-mulkini deklaratsiya qilish tizimi joriy etish; davlat xizmatiga halollik standarti (“halollik vaksinasi”) va manfaatlar to‘qnashuvini hal etish standartlarini joriy etishda ko‘maklashish bo‘yicha ta’sirchan choralarni ko‘rish, shuningdek, ularga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishdan iboratdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. 2020-yilgi “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” Davlat dasturining 53-bandi



МАHMUDXO‘JA BEHBUDIYNING IJTIMOIIY SIYOSIIY QARASHLARI.

Fatullayeva Farida
Adliya vazirligi
Buxoro viloyati Yuridik
texnikumi talabasi

Annotatsiya: M.Behbudiyning yangi davr o‘zbek madaniyatining namoyondasi, Turkiston ijtimoiy-siyosiy harakatlarining asoschisi, yangi maktab g‘oyasining nazariyotchisi va amaliyotchisi, Turkiston jadidlarining tan olingan rahnamosi.

Kalit so‘zlar: Turkiston jadidlari, Turkiston muxtoriyati yangi davr o‘zbek madaniyati, tatar ziyolilari, Yangi maktablar, Rusiya musulmonlari

Mahmudxo‘ja Behbudi - dramaturg, noshir, din va jamoat arbobi, jadidchilik harakati yetakchilaridan biri. U Yassaviy avlodidan. 18 yoshidan qozixonada mirzalik qiladi, qozi, mufti darajasiga ko‘tariladi. Mahmudxo‘ja Behbudi XX asr bo‘sag‘asidaga Turkiston ijtimoiy-siyosiy harakatchiligining eng yirik namoyandasi, yangi davr o‘zbek madaniyatining asoschisidir. Turkiston jadidlarining tan olingan rahnamosi, mustaqil jumhuriyat g‘oyasining yalovbardori, yangi maktab g‘oyasining nazariyotchisi va amaliyotchisi, o‘zbek dramaturgiyasini boshlab bergan birinchi dramaturg, teatrchi, noshir, jurnalist. U tariximizning g‘oyat og‘ir va murakkab bir davrida yashadi. XVI asrdan boshlangan inqiroz va turg‘unlik, o‘zaro janjal, mahalliy urug‘chilik nizolari millatni holdan toydirgan, imkondan foydalanib o‘lkani zabt etgan Rusiya zo‘r berib, uni turg‘un va tutqun saqlashga urinardi. Mana shunday bir sharoitda Vatanni butunlay yo‘q bo‘lish xavfidan saqlab qolish, avlodlarni erk va ozodlik, mustaqillik ruhida tarbiyalash, ma‘rifat va taraqqiyotga boshlash jadidlar nomi bilan tarixga kirgan Behbudi boshliq fidoyilar zimmasiga tushdi.

Turkistonda “Usuli jadid”, “Usuli savtiya” nomlari bilan shuhrat topgan yangi maktabni shular tashkil qilib, shular birinchi bo‘lib zamonaviy maktab g‘oyasini ilgari surdilar. Ular o‘z hisoblari-dan maktablar ochib, yosh avlodni istiklolga tayyorladilar, she‘r va maqolalar, sahna asarlari orqali milliy ongini shakllantirishga, milliy g‘urur va iftixor tuyg‘ularini singdirishga urindilar. Rusiya qonunlari imkon bergan darajada Turkiston musulmonlarining sha‘nu shavkatini himoya qildilar, inqilob yillarida esa mustaqillik bayrog‘ini baland ko‘tardilar. Mahmudxo‘ja Behbudi mana shu Turkiston jadidchilik harakatining asoschisi, boshlab beruvchisi edi. O‘z ustida qunt bilan ishlab, shariatning yuksak maqomlari – qozi, mufti darajasigacha ko‘tariladi. Yosh Mahmudxo‘ja dunyo-qarashining shakllanishida Rusiya jadidchilik harakatining asoschisi Ismoilbek Gasprinskiyning xizmati katta bo‘lgan. Behbudi millat o‘zini anglagandagina ijtimoiy-siyosiy masalalarni boshqalar bilan teng muhokama eta oladi, degan fikrda bo‘ldi. Shuning uchun ham tarixga alohida e‘tibor berdi. Umuman Behbudiyning publitsist sifatida faoliyati adib iste‘dodini juda yorqin bir qirrasini tashkil etadi. U o‘z umri davomida yuzlab maqolalar yozdi. O‘zining Millat va Vatan, jamiyat va axloq haqidagi fikrlarini ko‘proq maqola va chiqishlarida ifoda etdi. Ba‘zilar uning maqolalari 200, boshqalar 300 deb belgilaydilar. Uning barcha maqolalari aniqlab chiqilmagan. Muhimi shundaki, u XX asr boshidagi Turkistonning yirik siyosiy arbobi edi. Uning Millat va Vatan taqdiri haqidagi barcha qarashlari, avval, mana shu maqolalarida aks etgan edi. Bu maqola uzoq yillar Sovet tarix fani nuqtai nazaridan baholanib, Behbudiyni qoralash uchun nishon bo‘lib keldi. Gap shundaki, Behbudi o‘sha 1906 yildayoq sotsialistik ta‘limotni va uni Rusiyada amalga oshirishga bel bog‘lagan Lenin partiyasini keskin rad etgan edi. U ham ustozlari I. Gasprinskiy kabi sotsializmni zo‘rovonlik hisoblaydi, sotsial tenglikni adolatsizlik deb bildi. Shaxs manfaatdorligida, millat ravnaqida taraqqiyotning buyuk omilini ko‘rdi. Xuddi shu e‘tiqod uni Turkistonning mustaqilligi uchun kurashga yetakladi. Vatan taqdiri kun tartibiga qo‘yilgan 1917 yilning 16–23 aprelida Behbudi Toshkentda bo‘lib o‘tgan Turkiston musulmonlarining 150 vakili ishtirok etgan qurultoyida hayajonli nutq so‘zladi. Millatni o‘zaro ixtiloflardan voz kechishga, buyuk maqsad yo‘lida birlashishga, ittifoq bo‘lishga chaqirdi. Xuddi shu ixtilofimiz sababli “mustamlakot qoidasi ila bizni idora eturlar” deb ochiq aytdi. Shu yilning 26 noyabrida Qo‘qonda o‘lka musulmonlarining IV favqulodda qurultoyi ish boshladi. 27 noyabrga o‘tar kechasi “Turkiston muxtoriyati” e‘lon qilindi. Bu mustamlakadan mustakillik tomon qo‘yilgan jiddiy va jasoratli qadam edi. Uning ma‘naviy otasi, shuhbasiz, Behbudi edi. Biroq u Sovetlar tomonidan xoinona bostirildi. 19–20



fevral kunlari shahar to'pga tutildi. 10 ming turkistonlik o'ldirildi, 180 qishloqqa o't qo'yildi. Behbudiy iztirob bilan Samarqandga qaytadi. U yerda tura olmay, Toshkentga keladi. Turkiston rus sovet hukumati rahbarlari bilan muzokara olib borishga urinadi. Tabiiyki, muzokaralar natija bermaydi. Millatni, milliy taraqqiyotni inkor etgan sho'rolar yo'li aldov va zo'rvonlikka asoslanganini bilardi. Shuning uchun ham uni 1906 yildayoq aql va shariatga zid deb e'lon qilgan edi. Orzulari chil-chil bo'lgan Behbudiy 1919 yilning bahorida, 25 martda parishon holda yo'lga chiqadi va Shahrisabzda qo'lga olinib, taxminan ikki oy o'tgach, Qarshiga keltirib zindonga tashlandi. Bir necha kundan so'ng Qarshi begi Tog'aybekning buyrug'i bilan zindon yaqinidagi "podsholik chorbog'i"da o'ldirilgan. Uning qatli haqidagi xabar o'sha paytdagi poytaxtimiz Samarqandga rosa bir yildan keyin ma'lum bo'ldi. Bugun Behbudiy kabilar muqaddas tutgan yurt ozod va mustaqil bo'ldi. Ular jon fido etgan istiqlol avlodlariga nasib etdi. Millat va Vatan mustaqilligi yo'lida fido bo'lganlar esa shu Millat va Vatan umri qadar boqiydirlar

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mustafu Cho'qayev "Istiqlol jallodlari" T;sharq 1992 y .
2. Jo'rayev N, Karimov Sh " O'zbekiston tarixi " T;sharq 2011 y.
3. B. Qosimov va boshqalar. "Milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyoti". T. 2004 y.



KORRUPSIYANING JAMIYATDAGI SALBIY TA'SIRI

G'aybullayev G'ayrat

Buxoro viloyati yuridik texnikumi
Davlat huquqiy faoliyat 1-kurs talabasi

Annotatsiya. Yoshlarda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish, ularning ongida korrupsiyaning jamiyat va madaniyat ravnaqi uchun salbiy illat ekanligini o'rganish vaturali xil sohalardagi ta'sirlarini oldini olish.

Glossariy: Korrupsiya, iqtisodiy hamkorlik, huquqiy axborot, jamiyatchilik nazorati, kompleks yondashuv.

So'ngi yillarda O'zbekistonda korrupsiya dolzarb muammolaridan biri bo'lib kelmoqda. O'zbekiston korrupsiyaga qarshi kurashda uzoq muddatli ijobiy dinamikani namoyish etuvchi 16ta davlat qatoriga kiradi. Xususan «Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi» qonunda 1bo'lim umumiy qoidalar 3-moddasida asosiy tushunchalarni bilib olishimiz kerak bo'ladi:

Korrupsiya-shaxsning o'z mansab yoki xizmat mavqeyidan shaxsiy manfaatlarini yoxud o'zga shaxslarning manfaatlarini ko'zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanishi, xuddi shuningdek bunday nafni qonunga xilof ravishda taqdim etish;

Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik—korrupsiya alomatlariga ega bo'lgan, sodir etilganligi uchun qonun hujjatlarida javobgarlik nazarda tutilgan qilmish;

Manfaatlar to'qnashuvi—shaxsiy (bevosita yoki bilvosita) manfaatdorlik shaxsning mansab yoki xizmat majburiyatlarini lozim darajada bajarishiga ta'sir ko'rsatayotgan yoxud ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan hamda shaxsiy manfaatdorlik bilan fuqarolarning, tashkilotlarning, jamiyatning yoki davlatning huquqlari va qonuniy manfaatlari o'rtasida qarama-qarshilik yuzaga kelayotgan yoki yuzaga kelishi mumkin bo'lgan vaziyat.

Korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy prinsiplari quyidagilardan iborat:

qonuniylik;

fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarining ustuvorligi;

ochiqlik va shaffoflik;

tizimlilik;

davlat va fuqarolik jamiyatining hamkorligi;

korrupsiyaning oldini olishga doir chora-tadbirlar ustuvorligi;

javobgarlikning muqarrarligi va ularga qarshi jazolarni yanada kuchaytirish lozim.

O'zimizning qarshimizda bunday mayda (kichik) korrupsiya holatlari ham sodir bo'lmoqda, masalan: odatda kasalxonalar, maktablar, militsiya bo'limlari va boshqa joylarda asosiy xizmatlardan foydalanishga uringan oddiy fuqarolar bilan aloqa qilishda hokimiyatning quyi va o'rta bo'g'inlari mansabdor shaxslarining kundalik ishonchli va kolatlarini suiiste'mol qilishlar kuzatilmoqda.

Islom dinida ham pora harom deb hisoblangan, bularni hadislarda keltirilgan jummalarda ham ko'rishimiz mumkin. Ulardan biri Payg'ambarimizning mana bu qarg'ishlaridir: "Pora beruvchiga ham, pora oluvchiga ham, ikkovi orasida yurib porada vositalik qiluvchiga ham Allohning la'nati bo'lsin". Shunday ekan biz huquqshunoslar yoshlarga avvaldan bu g'oyani yomon illat ekanligini yetarlicha tushuntirishimiz va o'rgatishimiz lozim. Agarda jamiyatimizdan korrupsiya degan g'oya va fikrni yo'qota olsak biz tez vaqtda yuksakli, qudratli davlat bo'lamiz va buni albatta amalda isbotlaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida" g'iqonun 2017-yil.



BIZ KORRUPSIYASIZ HAYOT TARAFDORIMIZ

Dilafruz Gulamova

Adliya Vazirligi

Buxoro viloyati

yuridik texnikumi

“Ommaviy huquqiy fanlar”

kafedra mudiri

Annotatsiya: Jamiyatda korrupsiyaning oldinini olishga qaratilgan chora tadbirlarning amalda qo‘llanilishi va ular asosida olib borilayotgan harakatlarda qonunning ustuvorligini ifodalashga oid ta‘limni o‘rganish.

Glossariy: Korrupsiya, shaxsiy naf, pora, ”Injil”, “Qur’oni Karim”, impechment, ma’muriy jarayonlar, huquqiy savodxonlik,

Korrupsiya (lot. *Corrumpere* — *buzmoq*) termini odatda mansabdor shaxslar tomonidan unga berilgan mansab vakolatlari va huquqlardan o‘zlarining shaxsiy manfaatlarini ko‘zlab qonunchilik va ahloq qoidalariga zid ravishda foydalanishini anglatadi. **“KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH TO‘G‘RISIDA”GI QONUN**-Qonunchilik palatasi tomonidan 2016 yil 24 noyabrda qabul qilingan, Senat tomonidan 2016 yil 13 dekabrda ma’qullangan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2017 yil 3 yanvarda imzolangan. Qonun 6 bob, 34 moddadan iborat. Ushbu qonunning 3-moddasida korrupsiyaga quyidagicha ta’rif berilgan: **“Korrupsiya** — shaxsning o‘z mansab yoki xizmat mavqeidan shaxsiy manfaatlarini yoxud o‘zga shaxslarning manfaatlarini ko‘zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanishi, xuddi shuningdek bunday nafni qonunga xilof ravishda taqdim etish”. Korrupsiya – davlat organlari xodimlari moddiy yoki mulkiy yo‘sinda, g‘ayriqonuniy shaxsiy naf ko‘rish maqsadida, o‘z xizmat mavqeidan foydalanishida ifodalanadigan ijtimoiy hodisadir. Korrupsiyaga qarshi kurashgan birinchi davlat sifatida qadimgi SHumer davlati tan olinadi. INJILDA “Sovg‘alarni qabul qilma, chunki sovg‘a ko‘rni ko‘radigan qiladi va haqiqatni o‘zgartiradi” deyilgan. Qu’roni Karimda “Boshqalarning mulkini nohaq yo‘l bilan olmagiz va boshqalarga tegishli bo‘lgan narsalarni olish uchun o‘z mulkingizdan hokimlaringizga pora qilib uzatmangizlar” deyilgan. 1787 yilda qabul qilingan AQSH Konstitutsiyasida pora olish AQSH prezidentini impechmentga tortish mumkin bo‘lgan ikki jinoyatning biri sifatida ko‘rsatib o‘tilgan. Qonun korrupsiyaga qarshi kurash sohasida davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlarini keltirib o‘tadi:

-davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarida korrupsiyadan ogohlantirish bo‘yicha choralarni amalga oshirish;

-korrupsion huquqbuzarliklarni o‘z vaqtida aniqlash, ular oqibatlari, sabablari va keltirib chiqargan sharoitlarni bartaraf etish hamda korrupsion huquqbuzarliklar sodir etilgani uchun muqarrar jazolash tamoyilini tadbiiq etish. Ma’muriy jarayonlar sohasida korrupsiyadan ogohlantirish choralari ro‘yxatiga ularning batafsil reglamentini belgilash, ushbu jarayonlarni soddalashtirish va byurokratik rasmiyatchiliklarga yo‘l qo‘ymaslik kiritilgan. Qonunda davlat organi xodimi biror bir shaxs tomonidan uni korrupsion huquqbuzarlikni sodir etishga da’vat qilish holati, shuningdek, boshqa ishchilar tomonidan shu kabi holatlarning amalga oshirilishi bo‘yicha unga oshkor bo‘lgan ma’lumotlarni o‘z rahbari yoki huquqni muhofaza qilish organlariga murojaat etishi belgilangan. Mazkur majburiyatlarning bajarilmasligi qonunchilikka muvofiq tegishli ravishda jazoga tortilishiga olib keladi. Korrupsion jinoyat to‘g‘risida oshkor qilgan shaxs davlat himoyasi ostiga olinadi. Biroq mazkur qoida yolg‘on ma’lumotlarni taqdim etganlarga nisbatan amal qilinmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi,-2019yil
2. “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi qonun-2017yil



KORRUPSIYANING YOSH AVLOD HUQUQIY ONG HUQUQIY MADANIYATIGA SALBIY TA'SIRI

I.Q.Ergasheva

Buxoro viloyati yuridik texnikumi
O'quv -metodik bo'limi boshlig'i

Annotatsiya: Yoshlarda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish, ularning ongida korrupsiyaning jamiyat va mamlakat ravnaqi uchun salbiy illat ekanligini o'rganish.

Glossariy: Korrupsiya,tergov vakolatlari,iqtisodiy hamkorlik, huquqiy axborot, jamoatchilik nazorati, kompleks yondoshuv, fuqarolik jamiyati

Bugun O'zbekistonda korrupsiyaga qarshi keskin va murosasiz kurash olib borilmoqda. Xususan, "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi Qonunning qabul qilinishi, shuningdek Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha respublika idoralararo komissiyasining tashkil etilishi va korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Davlat dasturining tasdiqlanishi mamlakatda korrupsiya bilan bog'liq huquqbuzarliklarning oldini olishga qaratilgan qator chora-tadbirlarni samarali amalga oshirilishini ta'minladi. Misol uchun, qisqa vaqt ichida korrupsiyaga qarshi kurashishning huquqiy mexanizmlarini takomillashtirishga oid beshta normativ-huquqiy hujjat, shu jumladan, "Huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta'minlash to'g'risida"gi, "Ma'muriy tartib-taomillar to'g'risida"gi, "Jamoatchilik nazorati to'g'risida"gi, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunlari hamda Davlat rahbarining bir qator Farmonlari qabul qilindi. Shuni alohida qayd etish joiz, O'zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashishni bosh maqsad qilgan alohida davlat organini tashkil etish yuzasidan Prezident Farmoni loyihasini tayyorlash bo'yicha faol sa'y-harakatlar olib borilmoqda. Loyihada mazkur organning tashkil etilishi va faoliyat yurtishining huquqiy asoslari, maqsad va vazifalari, huquq hamda majburiyatlari, shuningdek, mamlakat Prezidenti va parlamentiga hisobdorlik belgilanishi nazarda tutilishi kerak. Shu munosabat bilan, ushbu sohadagi ilg'or xorijiy tajribani o'rganish,ayniqsa, bugungi kunda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.Korrupsiya darajasini pasaytirish borasidagi vazifalarni samarali hal etish imkonini beradi. Shu bilan birga, korrupsiyaga qarshi kurashishga ixtisoslashtirilgan organlarning muvaffaqiyat qozongan uchta asosiy faoliyatini misol tariqasida keltirib o'tish mumkin:

- 1) korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi chora-tadbirlarni olib borish;
- 2) tergov vakolatlari, nazorat funksiyalari;
- 3) boshqa idoralardan mustaqil ravishda o'z faoliyatini olib borish, faqat davlat hokimiyatining oliy organlariga hisobdor bo'lish.

Korrupsiyaga qarshi kurashish borasida tavsiyalarni ishlab chiqish bo'yicha yetakchi xalqaro tuzilma – Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkilotining tadqiqotiga ko'ra, huquqni muhofaza qilish organlari vakolatlariga korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha ko'p maqsadli idoralarning modeli kompleks yondashuvning eng yorqin namunasidir. Ushbu turga tegishli bo'lgan idoralar quyidagi:

– tergov faoliyatini olib borish, korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida o'ziga xos siyosatni ishlab chiqish, tahliliy faoliyat, jinoyatlarning oldini olishda ko'maklashish, fuqarolik jamiyati bilan hamkorlik qilish, ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilish, korrupsiyaga qarshi kurashish dasturining bajarilishini monitoring qilib borish kabi vazifalarni bajaradi. Yoshlarda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish, ularning ongida korrupsiyaning jamiyat va mamlakat ravnaqi uchun salbiy illat ekanligini o'rgatish jamiyatning asosiy burchidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi,-2019 yil
2. "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi qonun-2017yil



YANGI O‘ZBEKISTON YANGICHA DUNYOQARASHDAGI GENDER TENGLIGI MASALALARI

Q.Yuldashova

Buxoro viloyati Yuridik texnikumi
Xususiy huquqiy Kafedrası mudiri
qyuldasheva692@gmail.com

Annotatsiya: Gender tenglik jamiyat rivojida muhim bo‘lgan ijtimoiy munosabatlarda dolzarb ahamiyatga ega ekanligi bugungi kunda yanada yaqqol namoyon bo‘lmoqda. Bugun oilada, jamiyatda, ayniqsa, xotin-qizlarning ijtimoiy hayotdagi faolligini oshirishga alohida e‘tibor qaratilayotgani natijasida ijtimoiy munosabatlarda ham, qonunchilikda ham katta o‘zgarishlar amalga oshirilayotgani borasida so‘z bordi.

Kalit so‘zlar: gender, gender tenglik, jamiyat, jins, ijtimoiy, maskulin, femin, kasbiy segregatsiya O‘zbekistonda mustaqillik yillarida gender tenglikka erishish yo‘lida amalga oshirilayotgan juda katta ishlar, shuningdek, oilaning ijtimoiy muhofazasi, onalik va bolalik muhofazasiga qaratilgan masalalariga urg‘u berilgan.

Bugungi kunda, zamonaviy jamiyatda globallashuv va integratsion jarayonlarning keng ko‘lamda quloch otishi, yangi muammolarni keltirib chiqara boshladi. Jamiyatshunos tadqiqotchilar tomonidan izchil va chuqur o‘rganilishi lozim bo‘lgan muammolar qatoriga bugun hech ikkilanmasdan “gender“ jarayonlarini ham kiritish mumkin. Sotsiologlar harakatlar natijalari orasidagi tafovutga, ya‘ni shu harakatlar orqali vujudga keladigan kutilmagan natijalarga diqqat bilan e‘tibor qaratadilar. Chunki bu holat jamiyat taraqqiyoti to‘g‘risida muammoga aylanib ulgurgan holatlarni aniqlashga yordam beradi. Biz tomonimizdan ilgari surilayotgan “gender” mavzusi bugungi kunga kelib muammoli vaziyat sifatida XX asr oxirlaridek shov-shuvli ahamiyat kasb etmasa-da, bugungi jamiyatlar va ularning turmush tarzida ushbu masalaning ijtimoiy jihatlarini ilmiy pozitsiyasidan turib tahlil etish imkonini beradi.

Gender o‘zi nima? Gender bu umuman olganda – erkaklar va ayollarning umumiy tenglik nuqtai nazaridan farqlarini va tomonlarning barcha yo‘nalishlardagi haqiqiy o‘rmini aksettiruvchi tushuncha hisoblanadi.

Gender tushunchasida asosiy tayanch nuqta bo‘lib, ikki tushuncha ya‘ni “jins” va “gender” tushunchalari o‘rtasidagi farq tushuniladi. Ayrim hollarda ushbu toifalar (jins – erkak, ayol va gender – maskulin, femin) bir xil mazmundagi tushunchalar sifatida aks ettiriladi.

Gender tengligi - bu har bir insonning huquqidir, lekin bizning dunyomiz ayollar va erkaklar uchun imkoniyatlardan foydalanish va qarorlar qabul qilish jarayonlarida doimiy bo‘shliqqa duch keladi.

Dunyo miqyosida ayollar erkaklarnikiga qaraganda iqtisodiy faollik uchun kamroq imkoniyatlarga ega, boshlang‘ich va oliy ma‘lumot olish imkoniyati ayollarda kamroq, sog‘lik va xavfsizlik nuqtai nazaridan ham shunday deyish mumkin.

Ayollarning huquqlarini kafolatlash va ularga o‘z salohiyatlarini to‘la namoyon etish imkoniyatlarini berish nafaqat gender tenglikka erishish uchun, balki rivojlanishning keng bosqichlariga erishish uchun ham muhimdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan “Xotin – qizlarning mehnat huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirish va tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori imzolandi. Qarorga ko‘ra, xotin-qizlarning gender kamsitilishiga yo‘l qo‘ymaslik maqsadida Xotin-qizlarning gender tengligini himoya qilish bo‘yicha Xotin-qizlar qo‘mitasi ko‘magida komissiya tuzish belgilandi.

Quyidagilar Xotin-qizlarning gender tengligini himoya qilish bo‘yicha komissiyaning asosiy vazifalari etib belgilandi:

- Mamlakatda gender tenglikni ta‘minlashga va ayollarning ijtimoiy turmush sharoitlarini yaxshilashga qaratilgan davlat siyosatini amalga oshirishda faol ishtirok etish;
- Davlat organlari va boshqa tashkilotlar tomonidan ayollarning gender tengligi buzilishiga oid murojaatlarni ko‘rib chiqish;
- Kasbiy segregatsiya, ish haqi o‘rtasidagi farq, aholining iqtisodiy faol qatlami orasidagi ayollarning ulushini ko‘paytirish masalalari bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish;



- Ayollar huquqlari kamsitilishining barcha shakllariga barham berish bo'yicha umume'tirof etilgan xalqaro normalarni milliy qonun hujjatlariga implementatsiya qilish yuzasidan takliflar ishlab chiqish;

- Ayollarning huquqiy madaniyatini oshirishga qaratilgan choralarni belgilash va samarali amalga oshirilishini ta'minlash hamda keng qamrovli targ'ibot ishlarini tashkil etish.

Gender tenglik tushunchasining vazifasi nima? Bundan maqsad jamiyatda ayollarning iqtisodiy va siyosiy imkoniyatlarini kengaytirishdir. Hozirgi kunda dunyo aholisining 50% dan ko'prog'ini ayollar tashkil qilishiga qaramay, ular dunyo boyligining atigi 1% ga egalik qilishadi.

Dunyo bo'ylab ayollar va qizlar cheklanmagan vaqt davomida hech narsa to'lanmaydigan og'ir, uy ishlarini bajarishadi. Ayrim joylarda esa ayollar hatto mulkni meros qilib olish, kredit olish, daromad olish yoki ish joyida kamsitmaslik huquqiga ham ega emaslar.

Dunyo tarixi tajribasidan ma'lumki ayollar erkaklar qaraganda ko'proq kambag'allikda yashashadi. Dunyo bo'ylab ko'plab ayollar iqtisodiy jihatdan erkaklarga qaram bo'lib kelmoqda. Ko'p holatlarda ayollar ish topa olishmaydi va ish haqi to'lanmaydigan uy ishlarida ishlashga majbur bo'lishadi.

Xulosa qilib aytiladigan bo'lsa, bugungi kunda ayollarning teng huquqliligi borasida nafaqat Markaziy Osiyo yoki O'zbekistonda, balki dunyoning deyarli barcha mamlakatlarida, bu sohada qilinishi kerak bo'lgan ishlar hali anchagina.

Xotin-qizlar deyarli barcha davlatlar aholisining yarmidan ko'pini tashkil qiladi, shuning uchun aholi yarmining huquqlari poymol qilinganda, amalda demokratiyaga asoslangan jamiyat to'grisida gapirish qiyin. Xotin-qizlar ustidan zo'ravonlik muammosi davlatdagi nosog'lom ijtimoiy-ma'naviy muhit va yangi ijtimoiy munosabatlarni yaratishdagi qoloqlikdan dalolat beradi. Garchi insonga nisbatan barcha turdagi zo'ravonlik va kamsitishlarni bartaraf etish taqazo etilsada, xotin-qizlarga nisbatan zo'ravonlik alohida ahamiyatga muhtoj, chunki bu holat butun jamiyatga tegishlidir.

Foydalaningan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, Fuqarolik kodekisi, Inson huquqlari.



МАҲКУМЛАРНИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ВА ЎТАШНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБИ (РЕЖИМИ)ГА ДОИР МАСАЛАЛАР

Матчанов Фахриддин Курамбой ўғли,
Тошкент давлат юридик
университети ходими,
Телефон: +998935036000
matchanovfahriddin@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада маҳкумларни жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими)га доир масалаларига доир миллий ва чет эл давлатлари тажрибалари, ушбу соҳадаги ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари, шунингдек, соҳага оид қатор статистик маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: режим, жазони ижро этиш муассасаларида режим, тарбиявий иш, мажбурий меҳнат, жазолаш функцияси.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасига мувофиқ жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими) маҳкумни ахлоқан тузатиш воситаси сифатида қаралади.

Жиноят-ижроия қонунчилигида маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари орасида биринчи ўринда жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими) белгилаб қўйилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки режим жазони ижро этишнинг бутун жараёнини ўз ичига қамраб олади. Илмий адабиётларда режим тушунчасига қуйидагича таърифлар берилган.

Режим (француз тилида “resime”, латин тилида эса “resimen”) бошқарув деган маънони англатади. Режим сўзи бир неча луғавий маъноларга эга бўлиб, давлат бошқаруви, бошқарув усули, ишда, овқатланишда, дам олишда, уйкуда, даволанишда ўрнатилган ҳаёт тартиби бўлиб, муайян мақсадларга эришиш учун қўйиладиган қоидалар, тадбирлар, нормалар йиғиндисидир [1].

Режим деганда жиноят-ижроия қонунлари билан тартибга солинадиган маҳкумни ахлоқан тузатиш ва уни озодликдаги меҳнатга тайёрлашни таъминловчи жазони ижро этиш ва ўташ тартиби тушунилади [2].

Режим — бу шахсни озодликдан маҳрум қилган ҳолда унинг ҳаётини бир хил меъёрда сақлашдир. Маҳкумнинг руҳиятига таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан қарасак, маҳкумни қонун ҳамда қонуности ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ яшашга ўргатишдир. Бунда маҳкумнинг ҳаёт тарзи, мустақил шахсга хос бўлган ўзига хос одатлари белгиланган қоидаларга мослаштирилиши лозим.

Жазони ижро этиш муассасаларида режим — тегишли қонун ҳужжатлари ҳамда улар асосида қабул қилинган қонуности ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда озодликдан маҳрум этиш тарихидаги жазони ўташ тартиби, маҳкумларни кўриқлаш хизмати, доимий назоратда тутиш тартиби, маҳкумларнинг шахсий дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш, маҳкумларнинг тоифасига қараб уларни тегишли жазони ижро этиш муассасаларига жазони ўташ учун юбориш, суд қарорига биноан маҳкумнинг жазони ижро этиш шароитини ўзгартиришдан иборат.

Режим маҳкумни ахлоқан тузатиш воситаларини қўллашни таъминлайди. Режим маҳкумга тайнланган жазонинг мазмун-моҳиятини ўзида ифодалаб, у маҳкумга қўлланиладиган мажбурлов ҳамда ҳуқуқини чекловчи воситаларни белгилайди [3].

Режим, шу билан бир қаторда, барча ҳуқуқ субъектларининг жазони ижро этишни таъминлаш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Яъни режим жазони ижро этишни ташкил этиш, жамоат бирлашмалари, жазони ижро этиш муассасаси устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг бу борадаги фаолиятларини ҳам белгилаб беради.

Режим амал қиладиган доирани белгилаш муҳим аҳамият касб этади: жазони ижро этиш муассасаси ҳудуди — мазкур ҳудудда ваколатли шахслар маҳкумларни, уларнинг нарсаларини, ҳужжатларини, шунингдек жазони ижро этиш муассасасига кириб чиқувчи автотранспорт воситаларини текширади.



Маҳкум жазони ижро этиш муассасасида бўлган пайт жазони ўташ билан боғлиқ талабларни бажариши шарт. Мазкур талаблар режимнинг жазоловчи, тарбияловчи, огоҳлантирувчи функциясидан келиб чиқиб амалга оширилади..

Режимнинг жазолаш, тарбиялаш. Таъминлаш каби функциялари мавжуддир.

Режимнинг жазолаш функциясининг мазмуни шундан иборатки, маҳкум озодликдан маҳрум этилади, жамиятдан ажратилади, доимий назорат остига олинади, шунингдек, мажбурий меҳнат, таълим ва белгиланган тартибда дам олишга жалб қилинади. Режим жазони ижро этиш тартиби бўлганлиги туфайли, авваламбор, унда жазонинг у ёки бу турининг мазмуни жамланган. У ўз ичига мазкур жазо турига хос бўлган маҳкумлар учун ҳуқуқий чеклашлар ва маҳрум қилишларнинг бутун комплексини олган. Табиийки, режим ўз ичига жазо элементларини олган ва жазолаш функцияларига эга. Жазолашни амалга оширар экан режим талаблари маҳкумни ички тартиб қоидаларига риоя қилишга, интизомни бузмасликка, ўз хулқини ўзгартиришга мажбур қилади.

Агар маҳкумнинг барча эҳтиёжлари қондирилганда жазодан кўзланган мақсадга эришиб бўлмас эди. Бироқ маҳкумга кўрсатиладиган таъсир чоралари унинг соғлиғига ҳамда руҳиятига жиддий путур етказмслиги керак.

Режимнинг жазо функцияси маҳкумлар томонидан турлича қабул қилинади. Кимдир жисмоний ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиролмаслигидан, яна кимдир эса, ҳам унисидан ҳам бунисидан қийналади [4].

Режимнинг тарбиявий функцияси ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, унинг мустақил тарбия функцияси мавжуд. Умуман олганда, кун тартибининг белгиланиши (уйғониш вақти, ухлаш вақти, жисмоний тарбия, меҳнат вақти ва бошқалар) маҳкумнинг ҳаётига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу маҳкумни тарбиялайди, вақтни тўғри тақсимлашга ва ундан унумли фойдаланишга ўргатади.

Режимнинг таъминловчи функцияси эса, мазкур функция жазони ижро этиш муассасасида меҳнатни ташкил этиш, тарбиявий ишларни амалга ошириш, жамоа ишлари, маҳкумлар ташкилотини ташкил этиш ва уни бошқаришни таъминлайди. Мазкур функция режимнинг жазо ҳамда тарбиявий функциясидан кўзланган мақсадга эришишни таъминловчи функцияси ҳисобланади.

Режим текинхўрлик, ишёқмаслик, қиморбозлик ҳамда бошқа салбий иллатларга қарши курашувчи энг яхши восита бўлиб, у маҳкумнинг хулқи ҳамда руҳияти устидан тўла назорат қилиш имконини беради. Режим қоидаларини бузган шахс тегишли тартибда жазоланади (карцер, бошқа колония турига ўтказиш).

Бундан ташқари, жазони ижро этишда маълум тартибнинг ўрнатилиши, махсус муассасада жойлашган одамларни бошқаришга хизмат қилади. Шундай қилиб, режим талаблари жазони ижро этиш органлари ва муассасалари ҳаётининг барча соҳаларига кириб боради. У маҳкумларга таъсир қилишнинг бошқа воситаларини татбиқ қилиш учун ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратади.

Барча маҳкумлар, маъмурият вакиллари ва жазони ижро этиш органлари ва муассасаларининг фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган бошқа шахслар режим талабларини ҳисобга олишлари ва уларга қатъий риоя қилишлари керак.

Жазони ижро этиш ва ўташ тартиби (режими) махсус адабиётда юридик ва педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Россиялик ҳуқуқшунос олим С.И.Кургановнинг фикрича, режим жазони ижро этиш ва ўташнинг амалдаги қонун ва қонуности нормалари томонидан белгиланган тартибидир [5].

Режим орқали жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга нисбатан жазолаш, тарбиялаш ва шу каби бир қанча функциялар ҳам амалга оширилади. Айни вақтда режим кўрсатиб ўтилган функцияларни бажариш билан бирга, маҳкумларга нисбатан баъзи ҳуқуқий чеклашларни вужудга келтиради ва бу айнан жазолашда намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, режим талаблари фақат маҳкумлардан эмас, балки муассасада фаолият кўрсатаётган барча ходимлар, ишчи ва хизматчилардан ҳам жиноят-ижроия қонунчилигига ва ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя этишни талаб қилиш орқали турли қонунчилик ва хизмат интизومي бузилишининг олдини олиш функциясини бажаради [6].

Тарбиявий иш – Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасига мувофиқ маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, маҳкумларда қонун талабларига ва жамиятда қабул қилинган қонун талабларига ва жамиятда қабул



қилинган хулқ-атвор қоидаларига риоя этишга, шунингдек билим ва маънавий савиясини оширишга интилишини шакллантиришга қаратилган [7].

Тарбиявий иш озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, маҳкумларда қонун талабларига ва жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор қоидаларига риоя этишга, шунингдек билим ва маданий савиясини оширишга интилишни шакллантиришга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Маърузалар курси. – Т., 2013. – Б.159.
2. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Маърузалар курси. – Т., 2013. – Б.49.
3. Уголовно-исполнительное право. Учебник / под ред. А.И.Зубкова. – М.: Издательство “НОРМА”, 2005. – С.175.
4. Комментарий к уголовно-исполнительному кодексу РФ (постатейный) / под ред. А.И.Зубкова. – Издательская группа НОРМА-ИНФРА-М, 2007. – С.201.
5. Курганов С.И. Уголовно-исполнительное право. – М., 2004. – С.70.
6. Юлдашев М.Ш. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини самарали ташкил этишда режим ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – Т., 2011. – №2. – Б.41.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 97-моддаси



ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ СУД ТАРТИБИДА КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мухиддинова Дилдора Мухиддиновна
Тошкент давлат юридик университетининг
“Давлат бошқаруви ҳуқуқи” йўналиши
магистратура талабаси
Телефон: +998977772026
dildoram777@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола давлат хизмати билан боғлиқ низоларни судда кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари, давлат хизмати билан боғлиқ низоларнинг судга тааллуқлилиги ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини ўз ичига олган.

Калит сўзлар: Давлат хизмати, давлат хизматчилари, хизмат низолари, меҳнат низолари, судга тааллуқлилиқ.

Давлат хизматини самарали ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларга давлат фуқаролик хизматини очиқлик, шаффофлик асосида кўрсатишда давлат хизматига ҳар томонлама лойиқ кадрларни қабул қилиш, тайёрлаш ҳамда жой-жойига қўйиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6168-сонли “Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида давлат хизматчиларини республика ҳудудларидан тизимли равишда излаб топиш, танлаш ва рағбатлантириш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этиш, профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этишга кўмаклашиш вазифалари мазкур фармон билан тасдиқланган “Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси тўғрисида”ги НИЗОМ билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси вазифалари сифатида белгилаб берилди [1].

Давлат хизмати – давлат функцияларининг уларни амалга ошириш ваколатига эга маъмурий органлар, шунингдек, махсус давлат аппарати томонидан амалга ошириладиган профессионал фаолият ҳисобланади. Давлат умумий доирада ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий соҳаларда функционал вазифаларини давлат хизмати орқали ташкил этади. Давлат хизматида вужудга келадиган низолар айнан шу жиҳати билан бошқа турдаги низолардан ажралиб туради. Шу ўринда давлат хизматининг махсус давлат хизмати ҳамда давлат фуқаролик хизмати бўйича алоҳида тартибга солинишини ҳам назарда тутиш лозим. Махсус давлат хизматини тартибга солувчи нормалар алоҳида белгиланса, давлат фуқаролик хизмати бўйича эса миллий қонунчилигимизда ягона қонунни қабул қилиш зарурати кундан кунга долзарб масала сифатида эътироф этилмоқда. Шу мақсадда “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди, кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Фикримизча, давлат хизматидаги мансабдор шахслар, хизматчилар, ходимларнинг вазифа ва ваколатлари чегарасининг аниқ белгиланиши, давлат хизматига қабул қилиш, лавозим бўйича кўтарилиш, хизмат вазифаларини тўхтатиш асосларини тегишли қонунни қабул қилиш орқали тартибга солиш давлат хизмати билан боғлиқ низоларни судгача ҳамда судда кўриб чиқишда муҳим саналади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилгани ҳолда, мазкур судлов бўғинида маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган маъмурий судларнинг алоҳида сақланиб қолиниши оммавий ҳуқуқий муносабатлар, хусусан давлат хизмати билан боғлиқ низоларнинг суд тартибида кўриб чиқирилишининг бошқа ҳуқуқий муносабатлардан ажралиб туриши билан аҳамиятли



эканлигини назарда тутди [2].

Давлат хизмати билан боғлиқ низоларни судгача ҳамда суд тартибида ҳал этиш тартиби “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодексида белгилаб қўйилган. Аммо хизмат низоларининг судга тааллуқлилиги масаласида низонинг меҳнат муносабатлари билан тартибга солинган қисмига оидлиги фуқаролик ёки маъмурий судларда низони ҳал этишдаги муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Т.В. Иванкина фикрига кўра давлат хизматчисининг фаолияти икки томонлама характерланади:

Биринчидан, давлат хизматчисининг меҳнат муносабати доирасида ўз хизмат вазифаларини бажаришидаги мажбуриятлари юзасидан фаолият юритиши;

Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинувчи оммавий ҳуқуқий муносабатда вужудга келадиган, маъмурий органнинг фаолиятини амалга ошириши [3].

С.Э. Арутюнова қонунчиликда давлат хизматчиларининг профессионал фаолияти, хизматга қабул қилиниш тартиб таомилини, шунингдек, давлат хизматчиларининг интизомий, маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлигини белгилаш орқали нормалардаги бўшлиқларни бартараф этиш зарурлигини таъкидлаб ўтади [4].

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали – “regulation.gov.uz”да муҳокамага қўйилган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги янги лойиҳасида давлат хизматида қабул қилиш, ундан бўшатиш ва лавозимга кўтарилиш (лавозимдан тушириш) билан боғлиқ масалалар маъмурий тартиб-таомиллар орқали тартибга солиниши назарда тутилган. Фикримизча, давлат хизмати билан боғлиқ низоларни судга тааллуқлилиги масаласига юқоридаги нормани белгилаш орқали тегишли ечим берилиши зарур. Бундан ташқари, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ҳамда қонун асосида давлат хизматчиларининг реестрини шакллантириш орқали давлат хизматчиларининг маъмурий ҳуқуқий ва меҳнат муносабатларидаги чегараларни аниқ белгилаш зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6168-сонли “Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони; <https://lex.uz/docs/5286354>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони; <https://lex.uz/docs/4910826>

3. Иванкина Т. В. Частноправовые и публично-правовые начала в регулировании труда гражданских служащих // Российский ежегодник трудового права. 2013. № 9. 192 б.

4. Арутюнова С.Э. Тенденции развития государственной службы. Actual issues of modern science and society – 1/2019. 18 б.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАР, УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ ВА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИ

Отамирзаев Ойбек Муродулло ўғли
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг магистратура тингловчиси
Телефон: +998(94) 396 21 07
oybekotamirzayev96@gmail.com

Аннотация: Коррупция таъсири юқори бўлган соҳалардан энг асосийси соғлиқни сақлаш тизимидир. Мақолада тизимдаги коррупциявий ҳолатлар, уларнинг келиб чиқиш омиллар ва уларга қарши курашиш бўйича тавсияларни ўз ичига қамраб олган.

Калит сўлар: коррупция, соғлиқни сақлаш, коррупцияга оид жиноятлар, коррупцияга қарши кураш.

СЛУЧАИ КОРРУПЦИИ В СИСТЕМЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ, ИХ ПРИЧИНЫ И МЕТОДЫ БОРЬБЫ С НИМИ

Аннотация: Система здравоохранения - одна из наиболее важных сфер, затронутых коррупцией.

Ключевые слова: коррупция, здравоохранение, коррупционные преступления, противодействие. В статье рассматриваются коррупции в системе, их причины и рекомендации по борьбе с ними.

CASES OF CORRUPTION IN THE HEALTH CARE SYSTEM, THEIR CAUSES AND METHODS OF DEALING WITH THEM

Annotation: The healthcare system is one of the most important areas affected by corruption. The article covers corruption in the system, their causes and recommendations for combating them.

Keywords: corruption, health, corruption offenses, opposition,

Коррупциявий жиноятлар энг кўп учраётган соҳалардан бири – соғлиқни сақлаш тизимидир. Буни исботи сифатида қуйидаги статистикага эътибор қаратишимиз мумкин: «сўнгги икки йилда тизимдаги 500 нафардан ортиқ ходим турли жиноятларни содир қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Улардан 114 нафарининг содир этган қилмиши коррупциявий жиноят ҳисобланади»¹. Бу статистика аниқланиб, жиноят иши қўзғатилган ҳамда жиноий жавобгарликка сабаб бўлган ғайриқонуний ҳолатлардир.

Европа соғлиқни сақлаш фирибгарлик ва коррупция тармоғи (European Healthcare Fraud and Corruption Network, EHFCN) ходимларининг фикрича, тизимда коррупциявий ҳолатлар қуйидаги усулларда намоён бўлади:

1. Бюджет ёки бошқа фонд маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш (дори-дармон ёки муассаса жиҳозларини шахсий манфаатларни кўзлаб ишлатиш ҳамда қайта сотиш учун ўғирлаш);
2. Таъминотдаги коррупциявий жиноятлар (ноқонуний шартномалар асосида сифат стандартларига жавоб бермайдиган товарлар харид қилиш, шахсий манфаатлар доирасида қурилиш ҳамда жиҳозлаш учун ажратилаётган маблағларни ноқонуний ишлатилиши);
3. Фармацевтика тизими соҳасидаги коррупция (шифокорлар томонидан дори-дармонларни тайинлаш; сохта дори-дармонларнинг бозорда айланишига йўл қўйилиши каби ҳолатлар);
4. Тиббиёт муассасасидаги коррупция (қонуний равишда бепул тақдим этилиши керак бўлган хизматлар учун норасмий тўловларни талаб қилиш ёки қабул қилиш; махсус имтиёз ва яхши даволаш учун тўловни талаб қилиш);
5. Соҳадаги лицензиялаш, аккредитациялаш ёки рўйхатдан ўтказишга оид қарорни

¹ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 28.12.2019 йилдаги навбатдан ташқари сессиясидан <http://dostlik.jizzax.uz/zhamiyat/161-ssv-2020-yil-tizimda-korrupciyaga-arshi-keskin-kurash-yili-bladi.html>



ўзгартириш билан боғлиқ порахўрлик жиноятлари¹.

Хуллас, коррупция иллоти соҳада ходимни ишга қабул қилишдан бошлаб, молия-хўжалик фаолиятини юритиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон таъминоти, давлат харидлар каби йўналишларни қамраб олган.

Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцион ҳолатларни тез-тез учраб туриш сабаблари:

- тизимдаги заиф бошқарув ёки тартибни йўқлиги;
- соҳада шаффофлик ва жамоатчилик назоратининг сустлиги;
- ходимлар ойлик маошининг камлиги;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятининг пастлиги.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш учун ушбу соҳага хос айрим аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Биринчидан, аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланишдаги ҳуқуқий маданиятини ошириш лозим. Фуқароларга тиббий хизматдан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилса, бунда тиббий хизмат маданияти билан бирга кўрсатилаётган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш қоидалари берилади. Ушбу йўриқнома асосида кўшимча тўловларни амалга ошириш тартиби, совға бериш тартиби ва миқдори белгиланиши керак;

Иккинчидан, коррупция ва таъмагирликка қарши курашиш ва унга чек қўйиш борасида тизимдаги барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, уни такомиллаштириш, бўшлиқларни ва коллизия ҳолатларни олдини олиш, ўз вақтида ижросини таъминлаш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир;

Учинчидан, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг қуйи бўғинларида ички хавфсизлик тармоғини ташкил этиш, ички ва ташқи аудит ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

Тўртинчидан, тизимдаги ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш орқали бюджет шаффофлиги, тиббий хизмат кўрсатиш очиқлигини таъминлаш, бунда инсон омили аралашувини кескин камайтириш, давлат харидларида, хизмат кўрсатишда янги инновацион технологияларни жорий этиш, электрон рецетлар асосида ишлаш орқали рақамлаштириш тартибини белгилаш ҳамда фармацевтика маҳсулотларини назорати ва бюджетдан фойдаланишда шаффофликни яратиш;

Бешинчидан, соғлиқни сақлаш ходимларининг турмуш даражаси, уларнинг ижтимоий мавқеи ва касб нуфузини ошириш, ойлик иш ҳақини нормал ҳаёт тарзигача ошириш;

Олтинчидан, мажбурий тиббий суғургани жорий этиш орқали аҳолининг электроник соғлиқни қайд этиш, давлат томонидан кафолатланган ягона тиббий хизматлар ҳажмининг беморлар ҳақ тўлаши назарда тутилган хизматлардан аниқ ажратилиши, фуқароларнинг тиббий хизматларга эҳтиёжини ўз вақтида ва сифатли қондиришга йўналтирилган соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ҳамда тиббиёт хизматларини етказиб берувчилар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш учун шароит яратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 28.12.2019 йилдаги навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

2. <http://dostlik.jizzax.uz/zhamiyat/161-ssv-2020-yil-tizimda-korrupciyaga-arshi-keskin-kurash-yili-bladi.html>

3. Пулқаров А.В. Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия коррупции в сфере здравоохранения. Диссертация. Москва. 2013

¹ Пулқаров А.В. Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия коррупции в сфере здравоохранения. Диссертация. 15 бет.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA MA'MURIY PROTSEDURALAR INSTITUTINI TAKOMILLASHTIRISH

Nazarov Elbek Alimovich
Qoraqalpoq davlat universiteti
Davlat boshqaruv huquqi magistranti

Annatsiya: mazkur maqolada O'zbekiston Respublikasida ma'muriy tartib-taomillar haqida amaldagi qonun hujjatlariga asosan tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: ma'muriy, tartib-taomil, protsedura, milliy qonunchilik, islohot, prinsip, hujjat, oshkoralik, mutanosiblik.

Bugungi kunda mamlakatimizda barcha sohalarda bo'lgani kabi yurisprudensiya, xususan, davlat va jamiyat qurilishi, ma'muriy protseduralar institutini takomillashtirish borasida keng ko'lamli islohotlar, chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Mazkur yo'nalishlarda turli xil qonun hujjatlari qabul qilinib, amaliyotga tatbiq qilinmoqda.

Mamlakatimizda faol rivojlanib borayotgan demokratlashtirish jarayonlarini inobatga olgan holda milliy qonunchilik yanada takomillashtirilmoqda. Jumladan, ma'muriy tartib-taomillarga oid qonunchilik zamon talablariga muvofiqlashtirilayotgani inson huquq va erkinliklarini izchil himoyalashga xizmat qiladi. Bugun yurtimizda davlat organlari faoliyatining ochiqligini ta'minlash hamda davlat xizmatlari ko'rsatish tizimini takomillashtirish maqsadida elektron portallar va ma'lumotlar bazalari yaratildi. Xususan, ruxsat beruvchi hujjatlar hamda litsenziya olishni soddalashtirish uchun maxsus veb-saytlar ishga tushirildi. Shu bilan birga, so'nggi yilda amalga oshirilgan keng ko'lamli ishlarning xolis tahlili, davlat boshqaruvi organlari faoliyati, aholi bilan ochiq muloqot natijalari mavjud muammo va kamchiliklarni tizimli hal etishga ehtiyoj mavjudligini ko'rsatdi. 2018-yil 8-yanvarda qabul qilingan "Ma'muriy tartib-taomillar to'g'risida"gi Qonun ushbu muammolarni tizimli hal qilgan holda ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatining shaffofligi hamda ochiqligini ta'minlash, jismoniy va yuridik shaxslarga axborot taqdim qilishning zamonaviy shakllarini joriy etish, jamiyat hamda biznes bilan o'zaro hamkorlik qilishda ortiqcha ma'muriy sarf-xarajatlarga barham berish imkonini yaratdi. Qonun amaliyotga tatbiq etilishi bilan davlat xizmatidagi o'zboshimchalik, suiiste'mol qilish, korrupsiya va boshqa salbiy holatlar jiddiy kamaydi, ma'muriy jarayonning shaffofligi ta'minlandi.

Mamlakatimizda inson huquq va erkinliklarini, tadbirkorlik subyektlari va jamoat tashkilotlarining qonuniy manfaatlarini ta'minlashga oid huquqiy asoslar yaratilgan. Ma'muriy tartib-taomillarni amalga oshirish bo'yicha davlat organlari va tashkilotlarning faoliyati qonun hujjatlariga mos ravishda yo'lga qo'yilgan. Sohaga oid qonunchilikni takomillashtirishdan ko'zlangan maqsad ma'muriy tartib-taomillarni amalga oshirishni tartibga soluvchi normalarni tizimlashtirish va bixillashtirishdan iborat. Bu xalqaro huquq normalariga mos keladi. "Ma'muriy tartib-taomilalr to'g'risida"gi Qonun ma'muriy organlarning manfaatdor shaxslarga nisbatan ma'muriy-huquqiy faoliyatiga, shu jumladan, litsenziya, ruxsat berish, ro'yxatdan o'tkazish tartib-taomilariga, davlat xizmatlarini ko'rsatish bilan bog'liq boshqa tartib-taomillarga, shuningdek, qonun hujjatlariga muvofiq boshqa ma'muriy-huquqiy faoliyatga nisbatan tatbiq etiladi.

Shu o'rinda, mazkur Qonunda belgilab qo'yilgan ma'muriy tartib-taomillarning asosiy prinsiplari quyidagilardan iborat:

1. Mutanosiblik;
2. Ishonchlilik;
3. Tinglanish imkoniyatining mavjudligi;
4. Ma'muriy tartib-taomillarning ochiqligi, shaffofligi va tushunarlilik;
5. Manfaatdor shaxslar huquqlarining ustunligi;
6. Byurokratik rasmiyatchilikka yo'l qo'yilmasligi;
7. Mazmunan qamrab olish;
8. Ma'muriy ish yuritishning "bir darcha" orqali amalga oshirilishi;
9. Teng huquqlilik;
10. Ishonchning himoya qilinishi;
11. Ma'muriy ixtiyoriylikning qonuniyligi;
12. Tekshirish.



Qonunga ko‘ra, manfaatdor shaxslarga majburiyatlar orqali qiyinchilik tug‘dirish, faqat rasmiy qoidalar va talablarga rioya etilishi maqsadidagina ularga huquqlar berishni rad etish yoki ularning huquqlarini boshqacha tarzda cheklash ma‘muriy organlarga ta‘qiqlanadi. Shuningdek, Qonunda maxsus ma‘muriy tartib-taomillarni belgilovchi qonun hujjatlari jismoniy va yuridik shaxslarning holatini yomonlashtirmasligi kerakligi belgilangan.

“Ma‘muriy tartib-taomillar to‘g‘risida”gi Qonunda ma‘muriy hujjatlarni qabul qilish jarayonini standartlashtirish va yengillashtirish orqali davlat organlarining fuqarolar va tashkilotlar bilan bo‘lgan munosabatlari qonuniyligini ta‘minlash va shaffofligini oshirishga e‘tibor qaratilgan. Xullas, mazkur Qonun zamonaviy texnologiyalar asosida davlat xizmatlarini yanada sifatli ko‘rsatish uchun sharoitlar yaratish ma‘muriy to‘siq va cheklovlarni bartaraf etishga keng imkoniyatlar yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. D.Artaqov , B. Qosimov, B.Narimonov., Ma‘muriy hujjatlar. T – 2020.
2. O‘zbekiston Respublikasining 2018-yil 8-yanvardagi “Ma‘muriy tartib-taomillar to‘g‘risida”gi Qonuni.
3. [www. Ziyo.uz](http://www.Ziyo.uz).



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT VA JAMIYAT QURILISHINI ERKINLASHTIRISHNING HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

Norqulova Muqaddas Ulug'bekovna
Qoraqalpoq davlat universiteti
Davlat boshqaruv huquqi magistranti

Annotatsiya: mazkur maqolada O'zbekiston Respublikasida davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirish masalalari 2021-yilgi Davlat dasturi asosida tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: davlat, jamiyat, xalq, dastur, takomillashtirish, huquqiy asos, yo'nalish, strategiya, so'z erkinligi.

Barchamizga yaxshi ma'lumki, so'nggi yillarda mamlakatimizda yurtboshimiz boshchiligida barcha sohalar singari davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirish masalalariga ham alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu borada turli xil qonun hujjatlari qabul qilinib, amaliyotga tatbiq qilinmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni qabul qilingan bo'lib, ushbu farmonga binoan 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi belgilab olindi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda: "Ushbu strategiyada davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirish, qonun ustuvorligini ta'minlash va sud-huquq tizimini isloh qilish, iqtisodiyot va ijtimoiy sohani yanada rivojlantirish, xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash, chuqur o'ylangan, o'zaro manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosatni izchil davom ettirish kabi masalalar taraqqiyotimizning asosiy yo'nalishlari sifatida belgilab olindi". E'tibor qaratadigan bo'lsak, Harakatlar strategiyasining birinchi yo'nalishi aynan davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirish, deb nomlanadi. Shundan ko'rishimiz mumkinki, mazkur masala mamlakatimiz rivojida eng muhim masalalardan biri hisoblanadi. Hech birimizga sir emaski, har yili mamlakatimizda Harakatlar strategiyasi doirasida Davlat dasturi qabul qilinib, tizimli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. 2021-yil 3-fevral kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni bilan Harakatlar strategiyasining "Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturi tasdiqlandi. 2021-yilgi Davlat dasturida davlat va jamiyat qurilish tizimini takomillashtirishning quyidagi ustuvor yo'nalishlari belgilab olindi:

1. Qonun ijodkorligi faoliyati va qonunlar ijrosini ta'minlash sohasida Oliy Majlis palatalari hamda davlat boshqaruvi va mahalliy davlat hokimiyati organlari o'rtasidagi o'zaro hamkorlikni yanada kuchaytirish.

2. Xalq deputatlari mahalliy Kengashlari kotibiyatlari faoliyati samaradorligini oshirish.

3. Davlat boshqaruvi organlari faoliyatini tubdan takomillashtirish.

4. O'rta va quyi bo'g'in boshqaruv idoralarining faoliyatini tubdan takomillashtirish.

5. Mahalliy ijro va vakillik organlari faoliyatini tubdan takomillashtirish.

6. Davlat fuqarolik xizmatida kadrlarni tanlash, ularning malakasini oshirish va faoliyatini baholash bo'yicha samarali va ochiq tizimni joriy etish.

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti hujjatlari va topshiriqlari ijrosini nazorat qilishning yangi tizimini yo'lga qo'yish.

8. Xotin-qizlarning jamiyat va davlat boshqaruvidagi mavqeyini yanada oshirishga qaratilgan yaxlit tizimni yaratish.

9. Aholi va tadbirkorlik subyektlarining davlat organlari bilan munosabatga kirishishida byurokratik to'siqlarni tubdan qisqartirish.

10. "Bepul yuridik yordam to'g'risida"gi qonun loyihasini ishlab chiqish.

11. Mahalla instituti faoliyatini takomillashtirish.

12. Davlat organlarida ochiqlik va oshkoralikni ta'minlash mexanizmlarini yanada takomillashtirish.

13. Davlat organlari xarajatlari bo'yicha jamoatchilik nazoratini kuchaytirish.

14. Hokimliklar tomonidan "E-qaror" elektron tizimi orqali qaror qabul qilish amaliyotini yo'lga qo'yish.



15. Nodavlat-notijorat tashkilotlarning roli va ahamiyatini, ijtimoiy faolligi va faoliyatining samaradorligini oshirish.

16. Soʻz erkinligini taʼminlash va ommaviy axborot vositalarini har tomonlama rivojlantirish uchun huquqiy asoslarni yanada kuchaytirish.

Shu bilan bir qatorda, joriy yilda yoshlarni qoʻllab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash masalalariga alohida eʼtibor qaratgan holda har bir hududda bittadan tuman (shahar) byudjetini shakllantirishda xarajatlarning kamida 5 foizini bevosita aholining fikr-mulohazalarini inobatga olib, mahalladagi muammolarni hal etishga yoʻnaltirish tartibini eksperimental tariqasida joriy etish, 2021-yilda davlat boshqaruvi xodimlari sonini 15 % gacha optimallashtirish, 2021-yil 1-maydan boshlab mamlakatimizga 2005-yil 1-yanvarga qadar kelib, doimiy yashayotgan, shuningdek, mamlakatimizda 15 yil davomida doimiy yashab turgan fuqaroligi boʻlmagan (chet davlat fuqaroligini qabul qilmagan) shaxslar tomonidan istak bildirilgan taqdirda Oʻzbekiston Respublikasi fuqarosi deb tan olish kabi bir qator tartiblarni joriy qilish koʻzda tutilgan.

Ishonamizki, Davlat dasturida belgilangan mazkur chora-tadbirlar kelgusida oʻzining ijobiy samaralarini bergan holda mamlakatimizda davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirishda muhim omil boʻlib xizmat qiladi. Shu oʻrinda, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning quyidagi soʻzlarini yana bir bor eslatib oʻtishni joiz deb topdim: “Xalq davlat organlariga emas, davlat organlari xalqimizga xizmat qiladigan vaqt keldi”.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni bilan 2021-yil 3-fevral kuni tasdiqlangan Harakatlar strategiyasining “Yoshlarni qoʻllab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi.

2. T.Mamatqobilov, M.Musayev, H.Joʻrayev. Xalqimizni harakatlar strategiyasini amalga oshirishga safarbar qilishda maʼnaviy-maʼrifiy ishlarning roli. T-2017.

3. www.lex.uz.



МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ҲОЗИРГИ КУНДА ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Кучкарова Дилфуза Ильясовна
Ҳарбий хизматчилар ишлари бўйича
махсус ҳуқуқий хайъат адвокати
Ҳуқуқ магистри

Аннотация: Мақолада ҳозирги кунда юридик фанларни ривожлантириш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнлари, ривожлантириш учун ҳуқуқий тадқиқотлар олиб бориш баробарида фикрлар билдирилиб ўтилган. Шунингдек мамлакатимизни демократлаштириш, либераллаштириш ва ислоҳ қилиш шароитида ҳозирги кунда юридик таълимни ривожлантиришда ҳуқуқий тадқиқотларнинг аҳамияти ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: юридик таълим, ҳуқуқий тадқиқотлар, қонун устуворлиги, қонунчилик жараёни, ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Сўнги йилларда қонунчилик жараёнининг фаоллашуви муносабати билан миллий юридик фанимизнинг роли сезиларли даражада ошди. Таъкидлаш жоизки, миллий юридик фани мамлакатимизнинг бир қатор ихтисослашган академик ва олий таълим муассасалари таркибига кирувчи анча қудратли илмий кучларни ўз ичига олган. Айни пайтда қонун ижодкорлиги жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини илмий жиҳатдан янада сифатлироқ ва малакалироқ таъминлаш, юриспруденциянинг назарий ва амалий аҳамият касб этадиган бошқа йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлатни демократлаштириш, жамиятни модернизация қилиш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва кишилар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотлар, ҳеч шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Маълумки, ислоҳотлар – узок давом этадиган кўп босқичли жараён. Самарали қонунчилик тизимини яратиш, унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, мансабдор шахслар ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини аниқ белгилаш ислоҳотлар олдида турган муҳим вазифадир.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий тарбиясини ривожлантириш баробарида юридик фанларнинг аҳамияти юқори эканлиги назарда тутилади. Афсуски, юридик фанлар боробарида ҳуқуқий тадқиқотлар миллий юридик фанларимизда ҳали лозим даражада чуқур ўрганилганича йўқ. Мавжуд ҳуқуқий тадқиқотларнинг аксарияти айрим ҳуқуқий муаммоларигагина бағишланган. Бироқ ҳуқуқий фанларнинг бошқа масалаларига махсус бағишланган тадқиқотлар Ўзбекистонда деярли мавжуд эмас. Тармоқ мутахассисларининг оз сонли тадқиқотлари ҳам айрим ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бунда муаммо илмий-назарий жиҳатдан пухта ўрганилмагани яққол кўзга ташланади.

2018 йил 22 январ кунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5308-сонли фармони билан тасдиқланган 2018 йил учун Давлат дастурида ҳам юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб куйилган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда юридик фанларни ривожланиши учун кенг имкониятлар вужудга келмоқда. Ҳуқуқшунос-олимлар ушбу имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишимиз лозим. 2018 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПҚ-3666-сон [1] қарори асосида юридик таълим олишда кенг имкониятлар яратилиши белгиланиб берилган эди. Ушбу қарорни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 573-сонли қарори [2] қабул қилинганлиги ва ушбу қарор асосида “**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига бакалаврият босқичига қабул қилиш тўғрисида**”ги Низом ва ҳар бир вилоятда юридик коллежлар ташкил қилинганлиги юридик фанларни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ислоҳотларга мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин.

Бундан ташқари юридик фанларни ривожлантириш ва амалиётга татбиқ этиш баробарида 2019 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПҚ-



4166 сонли қарори [3] га асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали ташкил этилган. Ушбу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, **“Янгича ҳуқуқшунослик мактаби бизда, афсус билан таъкидлаш керакки, ханузгача шаклланган эмас”** [4] деган жумлаларини эслаб ўтмоқчимиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги туб ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бу ислохотларнинг асл моҳияти халқ фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ва демократия тамойилларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг суръати ва натижалари ҳар биримизнинг бугунги кундаги шижоатимиз ва ҳаракатимизга боғлиқдир.

Юридик фанлар ва ҳуқуқий тадқиқотлар сифатини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг кенг қамровлиги, мураккаблиги сабабли, юридик фанларни ўрганиш объекти, предмети, кўлами, доираси, чегараси каби масалалар бўйича ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли тортишув, баҳс, мунозаралар, хилма-хил фикрлар, баъзан бир-бирига зид қарашлар ҳам мавжуд. Шу сабабли, ҳалигача фанда ва ҳуқуқий амалиётда ҳуқуқий тадқиқотларни кўллаш билан боғлиқ илмий-назарий қоидалар қатъий ишлаб чиқилганича йўқ. Кўйилаётган масала ниҳоятда кенг қамровли, лекин ҳал қилиниши ниҳоятда муҳим муаммодир.

Шу боис, ушбу масала бўйича кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар томонидан ягона бир фикрга келиниши, юридик фанларни ривожлантириш баробарида ҳуқуқий тадқиқотларнинг илмий-назарий қоидалари, уларнинг мазмун ва моҳияти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни каби масалалар қатъий ишлаб чиқилиши лозим.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, юридик фанларнинг аҳамиятини ва долзарблиги ҳуқуқий тадқиқотлар умумий назариясини янада ривожлантириш эҳтиёжлари, уни амалий таҳлил билан бойитиш, шунингдек, мукамал қонунларни яратиш назариясига оид илмий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурати билан ҳам белгиланади.

Юртбошимиз мамлакатда юз бераётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янги суръатлар билан жадаллаштириш ва бу тизимни янада такомиллаштириш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, дунёқароши ва профессионал тайёргарлиги тамоман янгича бўлган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш каби қисқа муддатларда ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ҳам олдимизга қўйдилар.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш, аввало, ҳуқуқшунослик илми ва фанини ривожлантириш, уни жамиятимизда юқори чўққиларга чиқишига эришиш, юқори малакали ҳуқуқшунос фан докторлари ва номзодлари тайёрлаш, мамлакатда юриспруденциянинг барча йўналишлари бўйича ҳуқуқ мактабларини вужудга келтириш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, барча мамлакатлар таълим тизимида юридик мутахассислик алоҳида ўринда туради, у мамлакатни муваффақиятли тараққиётга олиб боришни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, унинг ривожланиш даражаси мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳавфсизлигига катта таъсир этади.

Юридик таълим ва фан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда, мамлакатимизда қонунчиликни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза қилишда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қонун ва қарорларнинг сифати, демак бутун жамият ва давлатнинг ривожланиши юридик таълим сифати билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистонда юридик фанларни ривожлантириш учун ҳуқуқий тадқиқотлар фаолиятини ривожлантириш ва амалиётда кўллаш орқали эришишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.lex.uz/docs/3681790>
2. <https://www.lex.uz/docs/3835824>
3. <https://www.lex.uz/docs/4194595>
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 50.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 27-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.04.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000